БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 239 (3211). | Сешанба, 7 декабрь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Гўшт ва сут саноатининг ходимлари давлат хомашё ресурсларидан маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Гўшт ва қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш плани ноябрь ойининг охирида, мол ёғи ишлаб чиқариш плани сентябрь ойида бажарилди.

Гўшт ишлаб чиқариш ўтган йилдагига нисбатан 29 процент, мол ёғи ишлаб чиқариш 28 процент, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш 12 процент кўпаяди.

МАШИНАСОЗЛАР ВАХТАДА

Областимиз саноат корхоналари коллективи шу кунларда партиямиз XXIII съезди шарафига меҳнат вахтасида турибгайрат қилмоқдалар. Яқинда «Узбекхиммаш» заводи коллективининг умумий йиғилиши бўлиб, машинасозлар бу йиғилишда ўз зиммаларига янги ошириланган мажбуриятлар олишди.

Коллектив шу кунларда йиллик топшириқни муддатидан олдин ado этиш ва планга қўшимча равишда 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Ҳозир цехларда Горлов азот-тук заводи ва Никополь заводи заказлари бўйича ҳаво пуркагич ва газ пуркагичлар ишлаб чиқарилмоқда. Йил охиригача бу агрегатлар тўла синовдан ўтиб заказчилар қўлига бориб тегади.

Машинасозлар партиямиз XXIII съезди шарафига ҳам конкрет мажбуриятлар қабул қилишди. Улар янги йилнинг биринчи квартал планини съезд очиладиган кунгача бажариб қўйишмоқчи. Биринчи квартал давомида корхонада меҳнат унумдорлиги 1965 йилнинг тўртинчи кварталига нисбатан 0,8 процентга кўтарилади. 50 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари жорий этилади. Бу корхонага 400 минг сўмлик шартли иқтисодий фойда келтиради. Ички резервларни тўла ишга солиш, агрегатлардан унумли фойдаланиш эвазига 150 минг киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинади. Техника тараққиёти, янги қувватларни ишга тушириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ҳам конкрет тадбирлар белгиланди.

Шу кунларда барча цехларда зиммага олинган мажбуриятни бажариш бўйича кураш кетаяпти. Ўзаро социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Смена топшириқларн ортиғи билан ado этилаяпти. Машинасозлар эл олдида берилган ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ғайрат камарини белга маҳкам боғлаганлар.

ПАРТИЯВИЙ ТАЛАБЧАН БЎЛАЙЛИК

Республикамиз, жумладан областимиз экономикаси ривожига, маданий қурилиш, халқимиз ҳаётида юз бераётган воқеаларга назар солар экансиз, севимли дёрингиз нақадар юксакликларга кўтарилаётганлигини, чинакам маданий революция юз бераётганини, янги кишилар — юксак онгли, маданиятли, билимли ва ахлоқли кишилар ўсиб камол топаётганини яққол кўриш мумкин. Бир маҳаллар қолоқ, аграр ва чекка ўлка ҳисобланган Ўзбекистон эндиликда социализмнинг Шарқдаги порлоқ ўлкасига, қудратли индустрия ривож топган, қишлоқ хўжалиги илғор техника билан қуролланган, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти барқ уриб ўсаётган республикага айланди. Бу ғалабалар совет тузумининг порлоқ натижаси, Коммунистик партия ва жонажон ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг самарасидир.

Йилимиз якуни, ишчи ва деҳқон, барча касб эгаларининг бутун йил бўйи қилган меҳнати салмоқли ва қувончли бўлмоқда. Областимиз саноатчилари, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар ҳар бир совет кишисининг қалбини тўлқинлантирмоқда. Саноатчиларимиз маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпгина турлари юзасидан етти йиллик топшириқларини ошиғи билан бажариб, келгуси йил ҳисобига ишламоқдалар. 10 ойлик иш якунлари область ва Тошкент шаҳри корхоналари коллективлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан ўтган йилларгагига нисбатан анча яхши ишлаганликларини кўрсатиб турибди. Энергетиклар, химиклар, қора ва рангли металлургия ходимлари, кўмир, машинасозлик ва металл ишлаш, бинокорлик материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳамда мутахассислари маҳсулот ишлаб чиқаришни муттасид ошираборнб, янги қувватларни ишга солмоқдалар, ички имкониятлар ва резервлардан фойдаланиб, ўз корхоналарининг шон-шуҳрати учун курашмоқдалар.

1965 йил қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачилнкда баракали йил бўлди. Пахтакорларимиз об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб мўл ҳосил етиштирдилар ва улкан хирмон кўтардилар. Пойтахт области она-Ватанга 350 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этди. Деҳқончилик ишларининг изчиллик билан комплекс механизациялашиб бораётганлиги, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлиги, прогрессив методлар ва илғор тажрибалар кўпроқ жорий этилаётганлиги колхозчилар, совхоз ишчилари ва барча қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётида тубли ўзгаришлар ясамоқда, деҳқончилик маданиятини янада юксалишга олиб келмоқда.

Илғор корхоналар, колхозлар ва совхозлар муваффақияти, уларнинг йил сайин ривож топиб бораётгани, давлат планлари ва топшириқларини муттасил бажариб келаётганлигининг сабаби нимада? Бу хўжаликлар ва корхоналарда ишга партия ва давлат нуқтаи-назаридан қараш, ҳар бир раҳбар ва ходимнинг топшириққа, коллектив иши ва ўзига нисбатан партиявий талабчанлиги, меҳнат интизоми ва ишга онгли муносабати бошқаларга нисбатан алоҳида ажралиб туради. У ёки бу соҳадаги янгилик, нуқсон ва камчилик, ишчи, колхозчи, мутахассис ва ходимнинг меҳнат натижаси, ҳаёти, бутун фаолияти партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, маъмурият, қолаверса бутун коллективнинг диққат марказида туради. «Ташсельмаш» заводининг айрим цехларида меҳнат унумдорлиги бироз пасайиб кетди, бу эса қундалик кўрсаткичларга, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигига таъсир эта бошлади. Бу масала завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотларини дарҳол ташвишга солди. Улар цех бошлиқлари ва коллективдан бу аҳволни тезда тузатишни талаб этдилар. Амалий ёрдам кўрсатилди. Ишнинг бориши донмо кузатилди. Натижа яхши бўлди. Цехларнинг кўрсаткичлари ўсаборнб, маҳсулот сифати ошди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Ҳозир завод бир меёрда ишламоқда.

Еттийиллик сўнгги йилининг ўн ойлик якунлари шу нарсани кўрсатдики, областимиз саноати ишида ҳали бирмунча камчиликлар бор. Кўплаб корхоналар планни суруиқасига бажармаяпти. Ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларидан секинлик билан фойдаланилмоқда. Илғор технологияни жорий этиш планлари бажарилмаётир. Қатор корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва жамғарма олиш юзасидан белгиланган планларни бажармадилар. Ёки бошқа бир мисол. Область партия комитети Оққўрғон район колхозларида қишлоқ хўжалиги уставига риоя қилинмаётганлиги, колхоз демократиясини бузиш ҳоллари юз бераётганлиги, меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар ҳозирги талаблар даражасида эмаслиги сингари фактларга район партия комитети ва район ижроия комитети эътиборини бир неча бор жалб этди. Афсуски, улар бу жиддий огоҳлантиришлардан ҳалигача тегишли хулоса чиқариб олганлари ва ишни яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўрганларича йўқ.

Бу фактлар нимани кўрсатади? Бундай корхона ёки хўжаликларда, район ёки коллективларда ишга нисбатан юксак талабчанлик сезилмайди. Партия ва давлат интизоми мустаҳкам эмас. Раҳбар ходимларда ишга, берилган топшириққа ҳатто ўзларига нисбатан ленинча партиявий талабчанлик юксак даражада эмас. Завод ва фабрикаларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлари, колхоз ва совхозларнинг деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги кўрсаткичлари бундан ҳам юксак ва яхшироқ бўлиши мумкин. Афсуски, юқоридаги аҳвол ишга катта салбий таъсир этмоқда.

Баъзи раҳбар ходимлар партиявий талабчанликни нотўғри тушуиадилар. Улар жойлардаги аҳвол ва воқеаларни тўғри ҳисобга олмайдилар, камчилик ва нуқсонларнинг юз бериш сабабларини чуқур ўргаимайдилар. Ходимларнинг раҳбарлик қобилиятлари ва усулларини, омма билан иш олиб бориш соҳасидаги фаолиятларини тўла ўргаимайдилар. Бунинг аксича, бирон бир камчилик ёки нуқсонни кўриб қолсалар, қолоқ корхона иши юзасидан кетма-кет буйруқлар берадилар, бюро мажлислари ва йиғилишлар ўтказадилар, вакиллар юборадилар. Кўп ҳолларда ходимларни ўзгартирадилар. Лекин аҳвол ўзгармай, илгаригича давом этаверади. Раҳбарликдаги бундай метод ва усуллар ҳеч қачон фойда келтирмайди.

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикаси, резина-техника буюмлари заводи, «Сувенир» фабрикаси, Олтинтопган қўрғошин-руҳ комбинати, экскаватор заводи, кийимларни ремонт қилувчи комбинат ва бошқа қатор корхоналар ўн ойлик планни бажармади. Улар давлат ва халқ олдида қарздор бўлиб қолдилар. Бу корхоналарнинг қолоқлигига аввало маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари жавобгар. Чунки улар коллективнинг бутун куч-гайрати ва ташаббусини давлат топшириқларини бажаришга тўла сафарбар эта билмадилар. Ички имкониятлар ва резрвлардан фойдаланмадилар. Прогрессив иш методлари жорий этилмади. Бу аҳвол ана шу корхоналар жойлашган районлар ва шаҳарларнинг партия комитетларини нимагадир ташвишлантирмаётир. Улар комбинат, завод ва фабрика раҳбарларига нисбатан партиявий талабчанлик қилмаяптилар. Район ва шаҳар партия комитетлари ўз территорияларидаги саноат корхоналари, колхоз-совхозлар фаолияти билан доимо қизиқишлари, уларнинг яхши кўрсаткичлар билан ишлашини таъминлашлари лозим.

Олдимизда юксак вазифалар турибди. Йилимиз якунланмоқда. КПССнинг XXIII съезди арафасндамиз. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ тайёрлаш, турмуш маданиятини юксалтириш ва халқ фаровонлигини ошириш ҳар бир раҳбар ходимдан ташаббус кўрсатиб ишлашни, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашни, ўзига, бошқаларга партиявий талабчанликни оширишни ва ишда партиявий жавобгарликнинг юксак бўлишини талаб этади. Бу эса янги манзиллар сари, порлоқ келажагимиз томон ғолибона одимизни янада тезлаштиради, Ватанимиз куч ва қудратини оширади.

ЯНГИ ХИЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР

Тошкентдаги 2-йиғма темирбетон буюмлари заводида яқиндан бошлаб ажойиб конструкциялар ишлаб чиқара бошланди. Узунлиги 24 метр бўлган сегмент шаклидаги арматураси таранг-тортилган йиғма темир бетон фермалари ишлаб чиқариш бу ерда биринчи марта ўзлаштирилди. Корхона тайёрлаётган буюмлар билан Чирчиқ трансформатор заводи ва Узбекистон қаттиқ қотишмалар ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг бир қатор цехлари қад кўтармоқда.

24 метрлик фирмалар ва краности балкалари ишлаб чиқаришда Карима Алтапова бошлиқ бетончилар бригадаси айниқса ғайрат қилмоқда. Бригадада 14 киши бор. Меҳнатнинг пухта ташкил этилганлиги ишга барака киритмоқда.

Яқинда корхонада босимли темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи янги цех фойдаланишга топширилди. Цехда барча операциялар механика ва автоматика воситалари билан бажарилмоқда. Ишчилар янги технология бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни пухта ўзлаштириб олишган. В. Лисинко, В. Сагитов каби илғор бетончилар шу буюмларда смена топшириқларини ортиғи билан ado этишяпти.

Корхона аҳли шу кунларда партиямиз XXIII съезди шарафига вахтада туриб меҳнат қилмоқда. Ички резервлар тўла ишлаб чиқаришга жорий этилаяпти. Бетончилар йиллик топшириқни муддатидан олдин бажариш учун кенг фронт бўйлаб кураш олиб бормоқдалар.

М. СУЛТОНОВ.

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ЕРЛАРНИ ШУДГОРЛАБ БЎЛДИЛАР

Съездолди социалистик мусобақасида фаол қатнашаётган Янгийўл районининг пахтакорлари ишлаб чиқаришда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Миришкор деҳқонлар даладаги ҳосилни уюшқоқлик билан йиғиштириб олиб келгуси йил мўл ҳосилига пухта тайёргарлик кўряптилар. Бу соҳада механизаторлар, айниқса, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Район хўжаликларида ерларни барвақт шудгорлаб қўйишга жиддий эътибор берилди. Пландаги 19513 гектар ўрнига 20 минг гектар ер сифатли ҳайдовдан чиқариб бўлинди. Янгийўлликлар пахта ерларини шудгор қилишни ўтган йилга нисбатан бир ярим ой олдин муваффақиятли тамомладилар.

Ҳайдов тракторларидан моҳирлик билан фойдаланиб, ишни икки сменада ташкил қилган Ленин номли, Карл Маркс номли, Охунбобоев номли, Калинин номли, «Интернационал» колхозлари, айниқса, шудгорлашда яхши кўрсаткичларга эришдилар. Тракторчиларга барча қулайликлар яратиб берилиши орқасида улар кундалик ҳайдов нормаларини ошириб бажардилар. Асосий майдонлар ўтган йилга нисбатан анча чуқур ва сифатли шудгор қилинди.

Шу кунларда район механизаторлари баҳорикор, маккажўхори экилган ерларни шудгор қиляптилар. Улар бу ишни ҳам яқин кунда муваффақиятли бажарадилар. Хўжаликларда ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш ва далага ташиб чиқариш ишлари ҳам бошланиб кетди.



ЯНГИЙЎЛ районининг шудгорлаш планини барвақт бажаришига Калинин номли колхоз механизаторлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ер ҳайдашда айниқса гектар бошига 36 центнердан хирмон кўтарган Бектур Абдиев бошлиқ звено аъзолари бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда. Чапдаги суратда: звено бошлиғи Бектур Абдиев трактрчи Турсунмурод Худойназаровга галдаги ишлар юзасидан топшириқ бермоқда. Ўнгдаги суратда: звено ерларининг сўнгги гектарлари шудгор қилинмоқда.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПУХТА ЗАМИН

«Оқ олтин» миришкорлари бўлган Свердлов номли колхоз пахтакорлари етти йилликнинг охирги йилида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошираборнб, эл хирмонига 2600 тонна пахта тўкдилар. Йил бошида қилинган ваъда ошириб бажарилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 28,5 эмас, балки 29,5 центнерни ташкил этди.

Бу йилги ютуқларни қўлга киритишда Нурхўжа Тўраев бошлиқ звено 164 ўрнига 183 тонна пахта топшириб, бошқаларга намуна бўлди. Звенода ҳосилдорлик 31,5 центнерданга етди.

— Пахтакорлар, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Убай Мусаев, — фақат пахта эмас, балки бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни ҳам ошириб бажардилар.

Колхоз пахтакорлари келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам пухта замин ҳозирламоқдалар. 1029 гектар ер муддатидан илгари шудгор қилиб қўйилди. Шудгор олдидан ҳар гектар ерга 500 килограммдан суперфосфат ва кўплаб маҳаллий ўғит солинди.

Колхозда техника ремонти ҳам яхши уюштирилган. Моҳир механизаторлар ўз пўлат агрегатларини келгуси йил мўл ҳосилига шайлаб қўймоқдалар.

Калинин районидаги Свердлов номли колхоз аъзолари 1966 йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирлаш, партиямизнинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

И. РУСТАМОВ.

1966 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Зангиота қишлоғига жойлашган Свердлов номли саноат моллари комбинати меҳнатсеварлари зафар кетидан зафар қучмоқдалар. Корхонада ўн ойлик топшириқ барвақт ado этиб қўйилди. Планга қўшимча равишда кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилди. Коллектив эришаётган бу ютуққа картон цехи ишчилари айниқса катта ҳисса қўшмоқдалар. Цехда етти йиллликнинг сўнгги йили топшириғи аллақачон ado этиб қўйилган. Биргина октябрь ойи давомида 8300 сўмлик маҳсулот ўрнига 9700 сўмлик аъло сифатли картонлар ишлаб чиқарилиб заказчиларга жўнатилди.

Комбинатнинг бошқа цехлари меҳнатсеварлари ҳам шу кунларда йиллик планни муддатидан олдин ado этиш ниятида меҳнат қиломқдалар. Партиямиз XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа барча участкалар бўйлаб кенг қулоч ёймоқда. Т. Рихсибоев, Л. Маюсупова каби пешқадамлар мусобақа байроқдори бўлишяпти.

Н. ҚОДИРОВ.

ДЎСТЛИК МИССИЯСИ БИЛАН

Чехословак-Совет дўстлиги ит-тифоқининг бош секретари Ян Немец бошчилигидаги делегацияси республикамизга қилган саёҳатини тамомлади. Қардош мамлакат вакиллари бир неча кун давомида Ўзбекистоннинг азиз меҳмонлари бўлдилар. Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари чехословакиялик дўстларни ҳушнудлик билан кутиб олдилар. Улар меҳмонларни ҳўжалик билан таништирдилар, келажакдаги режалари тўғрисида гапириб бердилар.

Колхозда бўлиб ўтган дўстлик митингида ўртоқ Ян Немец сўзга чиқиб чехословак халқига нисбатан бўлган қардошлик туйғулари учун совет кишиларига қизғин миннатдорчилик билдирди. Ўзбек деҳқонларига меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Делегация аъзолари республика Олий Совети Президиумида қабул қилиндилар. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти активистлари билан меҳмонлар ўртасида самимий учрашув бўлиб ўтди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚЛАР ОВОЗИ: ВЬЕТНАМГА ТИНЧЛИК

М У Ғ У Л И С Т О Н

Улан-Баторда медицина институтида ўтказилган митингда «Вьетнамдан қўлингни торт», «Америкалик интервенциячиларга лаънат!» деган хитоблар янгради. Студентлар, биз вьетнамлик ана-укаларимизни, опа-сингилларимизни маънавий жиҳатдангина қувватлаб қолмасдан, шу билан бирга уларга моддий ёрдамга ҳам тайёрмиз, дейишди.

Мўғулистон пойтахтининг бошқа жойларида ҳам қаҳрамон Вьетнам халқи билан бирдамлик митинглари бўлиб ўтди.

А В С Т Р А Л И Я

Халқаро ҳамкорлик ва қуролсизланиш учун курашувчи Австралия — Янги Зеландия конгрессининг чақиригига биноан, Мельбурндаги Америка элчихонаси биноси олдида урушга қарши митинг ўтказилди. «Вьетнамдаги уруш дарҳол тўхтатилсин!» деган шиор остида ўтган бу митингда касаба союз ва жамоат ташкилотларининг вакиллари нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

Ҳ И Н Д И С Т О Н

Деҳли университетида ўқиб турган американалик студентлар ва американалик илмий ходимларнинг бир группаси «Вьетнамдаги уруш тўхтатилсин!» деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб олиб, Деҳлидаги АҚШ элчихонаси биносининг олдида тўпланишди.

Намойишчилардан бири бўлган америкалик олим Жон Стюарт Блэктон бундай деди: Америка элчихонаси биноси олдидаги бу намойишни биз Вьетнамда Қўшма Штатлар ҳукумати олиб бораётган бемаъни урушга қарши норозилик билдириш тариқасида ўтказмоқдамиз. Бу урушдан, деди у, америкаликлар асло манфаатдор эмас.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ АНСАМБЛЬ ПЕКИНДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ПЕКИН, 4 декабрь. (ТАСС). А. В. Александров номидаги Совет Армияси Қизил Байроқли ашула ва рақс ансамбли Хитойда ўзининг бир ярим ойлик гастролини тамомлаб, бугун бу ердан юртига жўнаб кетди. Совет Армиясининг ана шу етакчи бадиий коллективи шу вақт ичида 24 концерт берди. Бу концертларда Пекин, Тяньцзинь, Шанхай, Чанша ва Ухань томошабинларидан 45 мингга яқин киши иштирок этди. Ансамбль Хитой Халқ озодлик армиясининг жангчилари учун бир неча махсус концерт берди. Совет ансамблининг артистлари Октябрь революциясининг 48 йиллиги кунларида Пекиндаги байрам концертида қатнашдилар.

Телетайп лентасидан

Францияда президент сайлови

ПАРИЖ. Ҳозирги президент Шарль Де Голлнинг ваколатлари муддати тугаганлиги муносабати билан 5 декабрда Францияда янги президент сайлови ўтказилди. Бутун мамлакатда овоз бериш эрталаб соат 8 да бошланди. Рўйхатга олинган сайловчилар сони 28 миллион кишидан ошиб кетди.

Ҳозир амалдаги конституцияга кўра, республика президентига кенг ваколатлар берилган. У, ҳукуматнинг фаолиятига раҳбарлик қилади ва Франция снёсатининг йўлини белгилаб беради. Бу сайловларнинг яна бир характерли жиҳати шуки, президент ялпи овоз бериш йўли билан сайланади. Шу вақтгача президент парламент палаталариниинг қўшма мажлисида, ёки сайловчиларнинг коллегиялари томонидан сайланар эди. Франция тарихида президент фақат бир марта — 1848 йилда ялпи овоз бериш йўли билан сайланган эди. Ушанда Луи Наполеон Бонапарт президент бўлиб қолган эди.

Бу сафар сайловчилар олти номзоддан бирини президент қилиб сайлашлари керак. Де Голль, Миттеран, Леканюэ, Тиксье-Виньянкур, Марсиласи ва Барбю президентликка номзод қилиб кўрсатилган. Уни номзодлардан бири, МРП («Халқ республика ҳаракати») партиясининг собиқ раҳбари Жан Леканюэ бу сайловда Де Голлнинг энг жиддий рақибидир. Маълумки, шу партия арбоблари ҳокимият тепасида турганларида Ғарб блокларини тузиш снёсатини ўтказиб келган эдилар. Марсиласи ва Барбю эса нуфузи унчалик катта бўлмаган гуруҳларнинг вакилларидир.

Энг сўл кучлар фашистлашаётган адвокат Тиксье-Виньянкур номзодини қувватламоқдалар.

Франциянинг сўл кучлари биргалнда Франсуа Миттеранни президентликка номзод қилиб кўрсатдилар. Франция коммунистик партияси, социалистик партия, демократик касаба союзлар ва ташкилотлар, республикачи арбоблар сайловчиларни Миттеран учун овоз беришга чақирдилар. Сайлов олди кампанияси вақтида Миттеран ҳукуматнинг демократик программасини тузиб чиқиш тўғрисида конкрет таклифлар билан майдонга чиқди. Француз демократлар Франсуа Миттеран номзодининг муваффақият юзонишини истаб унга катта аҳамият бермоқдалар, чунки унинг муваффақият юзониши сўл кучларни янада жипслаштиришга ёрдам беради.

Бу сурат Жанубий Родезия пойтахти Солсберида олинган. Олдинда бир группа африкаликлар. Маълумки, Ян СМИТнинг оқлар озчилигини ташкил этган ҳукумати яқинда бир ёқлама «мустақиллик» эълон қилган эди.

Африка ва бутун дунё халқлари Жанубий Родезиянинг туб аҳолиси — Зимбабве тарафидадир.

Ҳали Солсберида инглиз мустамлакачиси Сесил Родс ҳайкали турибди. Лекин африка халқлари бу мамлакат ҳақиқий мустақиллик олишига ишоиадилар.

ТАСС фотохроникаси.

АМЕРИКА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ КАЗАРМАСИДА БОМБА ПОРТЛАДИ

ПАРИЖ, 4 декабрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Сайгон мухбири хабар беради: Аниқланган маълумотларга қараганда, бугун Сайгондаги Америка ҳарбий хизматчилари назармасида бомба портлаши натижасида 11 киши ўлган, 118 киши ярадор бўлган.

ТАСС АХБОРОТИ

„ЛУНА-8" СТАНЦИЯСИ ОЙГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

5 декабрда Совет космик станцияси — «Луна-8» билан икки марта алоқа сеанси ўтказилди. Шу сеанслар вақтида станциянинг траекторияси ўлчаб аниқланди ва телеметрик ахборот олинди.

Станциядаги системаларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди. Траекторияни ўлчаш натижаларини текшириб кўриш учун траекториясининг олдиндан ҳисоблаб белгилаб қўйилган траекторияга мувофиқ эканлигини аниқлади.

«Луна-8» станцияси 1965 йил 7 декабрда Москва вақти билан 0 соат 50 минутларда Ой юзасининг Бўронлар океани районига бориб етади.

Координация — ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқишни давом эттирмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги Ҳамид Олимжон номли мактабнинг 40 дан ортиқ ўқитувчиси партия маорифи ўқувида актив қатнашмоқда. Суратда: пропагандист Абдуҳаким Мақсудов навбатдаги машғулотни ўтказмоқда.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЮРТНИ ЯСАНТИРАМИЗ

Корхонамизда ҳамиша баҳор. Цехлар бўйлаб айлансангиз ажойиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Тўқилаётган газламалар кўклам майсаларини, қир лолазорларини, дарё шалолаларини эслатади сизга. Камалак нусха матолар хил-хил товланади. Улар — Тошкент газламаси. Ўзбекистоннинг қуёшидек жамоли туширилган жозибали газламалардир.

Қўлимиз билан тўқилаётган газламалар билан эл-юртни ясантиряпмиз. Бир йил давомида тайёрлаган газламамиз билан ер курасини етти марта айлантириб чиқиш мумкин. Етти йил давомида 1,5 миллиард метрдан ортиқроқ газлама тўқиб чиқардик. Йил охиригача яна 45 миллион метрга кўпайиши керак у. Планга қўшимча равишда 214 тонна калава йигириш ниятидамиз.

Ҳозирги кунда 1852 та янги, замонавий агрегат бетиним ишлаб турибди. 9066 та агрегат қайтадан модернизация қилинди. Улар ҳам янгилардан қолишмаяпти. Цехлар бўйлаб ўтган осма йўлларнинг узунлиги 4240 метрга етган. Бу қулайликлар ишимизга барака киритмоқда. Кўпроқ газлама ишлаб чиқаришимизга имкон туғдирмоқда.

Қўлимиздан чиқаётган маҳсулотлар сифати элга манзур. Ҳозирги пайтда корхонамиз билан савдо ташкилотлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиляпти. Харидорлар талаб ва танлифларини, ўрганган ҳолда газламалар тўқишга алоҳида эътибор беряпмиз. Шу кунларда тўқилаётган «колхоз сарочкаси», «молния», «румбида» каби кўплаб хил газламалар харидорлар томонидан яхши баҳоланди. Етти йил давомида мингдан ортиқ янги суратлар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Улар газламанинг ёрқин, бежирим қиладиган бўёқлардан фойдаланиш имконини бермоқда.

Гул босиш фабрикаси коллективи бундан буён яна янги-янги расмлар яратиш устида бош қотирмоқда. Уларнинг сўнгги иши «олтин буғи» маркали газлама бўлди. Бу газламага талаб ғоятда катта. Иттифоқимизнинг кўпгина савдо ташкилотларидан устма-уст заказлар тушмоқда. Оқартирувчи Маҳмуд Уйбеков, раклистлардан Анатолий Гусенков, Борий Зокиров, сараловчилардан Зарифа Тошмуҳамедова каби унлаб ишлаб чиқариш пешқадамлари заказчилар илтимосини қондириш учун ўз куч ва билимларини аямаяптилар.

Маҳсулотларимизга чет эллардаги заказчилар ҳам махтал. Швеция, Дания, Норвегия, Афғонистон, Индонезия, Гана каби ўттиздан ортиқ мамлакат доимий мижозимиздир. Улар ёнига яна янги-янги заказчилар келиб қўшиляпти. Бу яхши, албатта. «Тошкент» сўзи босилган газламалар жаҳон кезади.

Шу кунларда корхонамизда меҳнат кўтаринкилиги тағин ҳам жўш урмоқда. Ҳар куни 700 минг метр газлама тўқиб чиқарилмоқда. Тўқимачиларимиз КПСС XXIII съезди шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбурият олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Партиямиз съезди очиладиган кунгача 1966 йилнинг I квартал топшириғини бажариб қўймоқчимиз. Янги йилнинг дастлабки уч ойи давомида планга қўшимча равишда 150 минг метр хом сурп ва шунча тайёр газлама ишлаб чиқариш ниятидамиз. Ўз сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз.

Ғ. ҚОДИРОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси.

ҚЎШИҚНИНГ ДАВОМИ

80 йил... Кекса Абдурасул ота шунча марта тонг оттириб, шунча марта оқшомнинг гувоҳи бўлган! Золим Аҳмадали бойнинг қамчиси зарбидан унинг орқасида қолган чандиқлар ўспиринлик хотираси бўлиб сақланиб келмоқда. Босмачиларнинг қиличлари қолдирган излар қишлоқнинг биринчи коммунистларидан бўлган бу мўйсафид қатнашган қизғин синфий жангларни эслатиб туради.

Ҳа, ўша кунларнинг ҳаммаси орқада қолиб кетди. Орадан жуда кўп вақт ўтганлиги сабабли ўша кунларнинг баъзиларини энди бир-биридан фарқ қилиб ҳам бўлмайди. Лекин дилда чуқур из қолдирган кунлар ҳам бор. Ёшлардан бирон киши «Қани бир гапириб беринг!» деб айтиши биланоқ, унинг кўз олдида ўша кунларнинг ҳаммаси қайта-қайта гавдаланади.

— Бир минг тўққиз юз ўттиз биринчи йилнинг боши эди, — деб гап бошлайди Абдурасул ота.

Ўттиз биринчи йил. Ўроқбошида яқиндагина колхоз тузилди. Қийинчиликлар жуда кўп-у, колхознинг юришмаётган ишлари бир талай бор. Аммо шундай одамлар ҳам борки, колхоз бамисоли уларнинг ҳалқумига тиқилиб қолган суякка ўхшайди. Бунақа одамлар колхознинг иши жўнашмаганини кўриб хурсанд, сув лойқатиш билан овора. Большевиклар машина берамиз, деб ваъда қилишган эди, қани у машиналар, деб заҳарханда қилишади. Шу қадар катта мамлакатнинг даласини техникага дарров тўлдириш қийин, деб бунақа кишиларнинг ҳар бирига тушунтириш маҳол гап-ку. Баъзилар бу гапга қулоқ солади, баъзилар эса шубҳаланади: ҳақиқатан ҳам коллектив хўжаликнинг афзаллигини мақтаб айтиладиган гаплар балки қуруқ гапдир, деб ўйлайди улар.

Янгилик эскилик билан тўқнашди ва бу тўқнашувда колхоз ўзининг ишлаши, муваффақиятлари билан ғалаба қозона берди. Аммо қани машиналар ёрдам берса! Лоақал битта трактор бўлса эди. Колхоз коммунистларининг йиғилишида: совет тракторларини ишлаб чиқараётган заводга делегация юборилсин, деган таклиф бўлди. Делегацияни Ленинграддаги «Красний путеловец» заводига юбориш керак. Бу делегация заводдагиларга Қува даштида ёш колхоз борлигини, шу колхозда бирлашган деҳқонларнинг машаққатларини, орзуларини, режаларини гапириб берсин. Рус ишчилари ўзбек деҳқонига ҳамиша ёрдам бериб келган-ку, ахир.

Колхоз раиси Исоқжон Исмоилов ва партия ташкилотининг секретари Абдурасул Мамарасулов делегация бўлиб йўлга тушдилар. Поезд ғилдираклари неча кун-у, неча тун тақиллаб йўл босиб, Фарғонадан Ленинградга борадиган йўлни яқинлаштира берди. Аммо чопон кийиб белини боғлаб олган дўппилик икки ўзбек завод парткомининг эшигини очиб киришлари биланоқ, ўзларини худди энг яқин қариндошларининг уйига келгандек ҳис қилдилар. Завод ишчилари уларни шу қадар самимият, шу қадар хурсандлик ва шу қадар яхши сўзлар билан кутиб олишган эди.

Исоқжон билан Абдурасул митингда сўзга чиқиб, пахтакорлар янги турмуш бошлагани тўғрисида гапириб берганларида уларнинг бу гапини ҳамма қизиқиб тинглади. Меҳмонларни Лениннинг муборак қадами теккан машҳур Путилов заводининг цехларига олиб киришди. Бу цехларда тракторлар ясалмоқда. Аммо ҳозирча тракторлар кам, жуда оз.

— Лекин тракторлар кўпайиб кетади: янги заводлар қуриляпти, — деди директор.

Бу ҳақ гап албатта. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ тракторлар кўпроқ бўлса, жонга оро киритар эди. Деҳқонлар ҳар бири кетмон кўтарган юзлаб кишининг ишини қила оладиган ажойиб машиналарга таажжубланиб қараб, агар шу машиналар бизнинг қишлоғимизга бориб етса, колхоз қишлоғида нақадар чинакам байрам бўлур эди, янги турмуш душманлари устидан нақадар улкан ғалаба қозонилган бўлур эди, деб ўйлар эдилар...

Путиловчиларнинг нияти ҳам шу эди. Парткомда ўзбек колхозчиларига совға тайёрлаш масаласи муҳокама қилинди. Лекин совға тайёрлаб берамиз, деб айтиш осон. Бу ниятни рўёбга чиқаришчи? Ахир, ҳар бир тракторнинг жуда қаттиқ ҳисоб-китоби борку! Ҳар бир трактор ўртоқ Орджоникидзенинг шахсий кўрсатмаси билан тақсимланади. Тақсимлаш плани аллақачон тузиб чиқилган, тасдиқлаб қўйилган — бу планни бузиш мумкин эмас.

Ана шунда бир фикр туғилди: Ўзбекистонлик дўстлар учун ишдан ташқари вақтда ишлаб пландан ташқари битта «Фордзон» трактори тайёрлаб берамиз, деган қарорга келишди ишчилар. Йўқ, битта эмас, иккита «Фордзон» тайёрлаймиз! Бу таклифни завод коммунистларининг ҳаммаси, бутун коллектив қувватлади. С. М. Киров бу ишингиз яхши, деб маъқуллади.

Шу тариқа зарбдор дўстлик вахтаси бошланди, ҳар бир ишчи виждонан жон куйдириб ишлади. Икки ойдан сўнг Октябрь бешигининг бебаҳо тортиғи бўлган икки трактор колхоз делегатлари билан бирга Қувага етиб келди.

Мўъжизакор пўлат отни кўриш учун теварак атрофдаги одамларнинг ҳаммаси тўпланди. Ҳатто, олис қишлоқларда кўп вақтдан бери ҳеч қаёққа чиқмай қўйган мўйсафид чоллар ҳам шу кун узоқ йўл босиб Қувага келишди.

Чеҳрасидан табассум аримаган икки йигит — «Красний путеловец» заводининг икки ишчиси моторни ишга солиб, пақа-пақа тутун чиқариб, тракторларни далага олиб кириб, ер ҳайдашга киришганида ҳамма хурсанд ва ҳайрон бўлиб қолди. Ана шунда ҳамма бирданига қичқириб юборди:

— Балли азаматлар. Иш юришиб кетди!

Энди кекса Абдурасул ота ёзнинг салқин оқшомларида азим бақатерак остида қишлоқ одамлари тўпланиб ҳордиқ чиқараётганида колхозчи ёшларга шу воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Сўнгра комсомоллар қўшиқ бошлайди. Бу қўшиқ тўқилганига кўп вақт бўлган — шундан бери орадан ўттиз беш йил ўтиб кетди. Бу қўшиқда мўъжизакор машиналарни ўзбек халқининг даласига олиб келган, шу машина билан бирга шоду хуррамликни ҳам олиб келган қувноқ рус йигитлари ҳақида, бузилмас, қалин дўстлик ҳақида ҳикоя қилинади.

Лекин ҳатто, энг катта қўшиқ ҳам барибир қисқа бўлади. Дўстликни тоблаган воқеаларнинг ҳаммасини битта қўшиқнинг ўзи адо қилиб беролмайди. Бунақа воқеалар кўп. Бахтли замонларда ҳам, урушнинг уқубатли йилларида ҳам ўзбеклар билан руслар ака-укадек бўлиб ёнма-ён бордилар. Совет Иттифоқининг бошқа республикаларидан келган йигитлар ҳам ҳамиша улар билан бирга бўлдилар.

Буғдойранг ўзбек йигитлари ҳам, Қува МТСи учун дастлабки тракторни тайёрлаб берган малласоч рус йигитлари ҳам Ленинград олдида жон бериб, жон олиб жанг қилдилар. Улар тракторларни танкларга алмаштирганларида Рязань қишлоғидаги оналар ҳам, Фарғона қишлоғидаги оналар ҳам ўз фарзандларига айни бир мақсадни тилаб оқ фотиҳа бердилар. Уларнинг ҳаммаси фарзандларининг қайтиб келишини нигорон бўлиб кутдилар.

Ўроқбоши қишлоғида ва «Социализм» колхози жойлашган бошқа қишлоқларда ҳам фронтга ўз фарзандини солдат қилиб юбормаган хонадон йўқ, деса бўлади. Жангчилар кетидан эшелон-эшелон ғалла, мева, сабзавот юборилиб турди — буларнинг ҳаммаси ғалаба учун юборилмоқда эди. Қурол билан пахта, снарядлар билан узум — буларнинг ҳаммаси ғалабага хизмат қилди.

Ўзбекистон станциялари ярадорларни оналик меҳри билан кутиб ола берди. Эвакуация қилинганлар учун ҳар бир хонадон ўз бағрини кенг очиб қўйди. Кўзи телмурган болалар билан лиқ тўлган вагонлар ҳам кетма-кет келиб турди. Бу тинкаси қуриган, ингичка қўлли болалар блокадада қолган Ленинграднинг фарзандлари эди. Ўзбекистон минг-минглаб ленинградлик болаларни ўз қучоғига олди. Путиловчи-кировчиларнинг кичкина болалари, тракторсозларнинг ўғиллари ва қизлари «Социализм» колхозининг оилаларида ўзларини ўз уйларидагидек ҳис қилдилар. Халқлар ягона оила деган ҳис мустаҳкамлана берди. Мана шу ҳиснинг ўзи бардош беришга, бардам бўлишга, енгишга ёрдам қилди.

Путилов заводининг кекса ишчиси уйида блокада йилининг қаҳратон қишида уйни оз-моз илитиш учун бутун мебель печкага ёқилди, ҳатто печкага ёқилмаган на китоб, на газета, на охирги бир варақ қоғоз қолди. Лекин шу манзарани тасвирлаган фотографияни ишчи оиласининг аъзолари энг қимматбаҳо табаррук ёдгорлик қаторида сақлаб қолдилар. Суратда завод бригадаси ўзбекистонлик ўртоқлар билан, «Социализм» колхозидан келган делегатлар билан бирга тасвирланган: 1931 йил...

Бизнинг олдимизда яна бир фотография турибди. Ўтган йил олинган бу фотографияда Киров заводининг делегацияси Фарғона областининг Қува районидаги «Социализм» колхозига келган пайти тасвирланади.

Делегация аъзолари узоқ ўттиз биринчи йилдаги икки путиловчи каби от миниб эмас, балки колхоз «Волга»ларига тушиб, далама-дала, қишлоқма-қишлоқ бир ҳафта айланиб юрган бўлсалар ҳам, аммо колхоз хўжалигини батамом кўриб чиқишга улгура олмадилар. «Социализм» колхози бир неча кичкина артелни бирлаштириб катта ва бақувват хўжаликка айланган. Пахта ҳосили икки баравар кўпайди: Илгари бир гектардан олинган пахта ўн олти центнерга аранг етар эди, бу йил эса ўттиз икки центнердан ҳосил кўтарилди.

— Биз бунга қандай қилиб эришганлигимизни биласизми? — деди колхоз раиси Норматжон Усмонов зиёфат дастурхонида қадаҳ кўтариб. — Бизнинг ютуғимиз сизнинг ҳам ютуғингиз, деб ҳисоблай беринг. МТС ташкил қилинган вақтда бутун Қува районида қанча трактор бўлганлигини биласизми? Фақат иккита трактор бор эди. У ҳам ўша «Фордзон» тракторлари эди. Эндичи? Фақат бизнинг колхозимиздагина бир юз ўнта трактор бор. Яна автомашиналарни, пахта териш комбайнларини, кўрак чувийдиган машиналарни айтмайсизми... Ишчилар синфи бизга техника бериб турибди, биз мўл пахта етиштириб ва териб топширмоқдамиз. Раҳмат ўртоқлар! Спасибо!

Чинакам дўстлар бир-бирлари билан фақат шу тарзда, самимият ва хурсандлик билан учрашадилар. Кўп қўшиқлар айтилди, кўп табрик сўзлари гапирилди. Фахрий қизил путиловчилар унвонига сазовар бўлган ҳурматли оқсоқоллар — Абдурасул Мамарасулов ва Исоқжон Исмоилов қишлоқнинг революциядан олдинги ҳаётини ҳикоя қилиб беришди, колхоз қандай ташкил топганлигини, Ленинград тракторлари очган биринчи эгатларни эслаб ўтишди.

— Ўша эгатлар жуда чуқур эгатлар бўлиб чиқди, дейишди кексалар маънодор табассум қилиб.

Бу сўзларда ҳақиқат, катта ҳақиқат бор. Ўзбек элида янги турмуш чуқур эгат очди. Меҳмонларга колхоз мактабларини — иккита ўрта мактабни, иккита саккиз йиллик мактабни кўрсатишди. Ўттиз биринчи йилда шуларнинг биттаси ҳам йўқ эди. Олий маълумотлилар ҳам йўқ эди. Ҳозир колхозда элликдан кўпроқ олий маълумотли киши бор: бош агроном Абдураҳмон Исмоилов, ўқитувчилар Раҳмон Аҳмедов, Халил Комолов, врач Хабибулла Юнусов... колхознинг касалхонаси, амбулаторияси, туғруқхонаси бор...

Қишлоқ ҳам ўзгариб кетди, одамлар ҳам бошқача бўлиб қолди. Эшматота Мирзалиев ўғли Тилаболдининг пўлат отни эгарлаб колхоздаги энг яхши механизаторлардан бири бўлишини илгари ўйлаганмиди? Эшматотанинг пешонасига битта қирчанғи эшак ҳам битмаган эди. Қишлоқ яқинида жуда катта сув омбори тўлқинланиб туради, деб ким ўйлаган эди? Қудратли машиналар кеча-ю кундуз тинмай гувуллаб бу сунъий денгиз чегарасини кенгайтирмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси колхоз далаларида ғўзалар барқ уриб ўссин, қипқизил анорларнинг доналари тағин ҳам ширадор бўлсин, узумлар, шафтолилар, олхўрилар, қовунлар тағин ҳам кўп ва ширин бўлсин, деган ният билан қилинмоқда.

Агар ўзбек ери сувга қонса ва яхши ишлов еса, бунақа саҳий ер кам топилади. «Социализм» колхози Киров заводига ўз делегациясини юборганида, колхоз боғи ва фалакларининг ширин-шарбат меваларидан Ленинградга бериб юборди.

— Жуда ҳам ширин экан, — дейишди ишчилар. — Мамлакатнинг ҳамма жойида совет кишилари шу ажойиб мевалардан баҳраманд бўлсин, десангиз бунақа меваларни кўпайтира беринглар.

Ана шунда раис Усмонов ўзи кўпдан бери ўйлаб юрган режаларини кировчиларга айтиб берди. Бу — колхозчиларнинг режалари эди. Колхоз ерларининг бир чеккасида бўм-бўш ётган адир бор. Қуёш нурида қовжираган бу адирда ҳеч қачон ҳеч нима ўсган эмас.

— Шу адирларни ишга солмоқчимиз, — деди раис.

Шу пайтда колхозчилар машиналар йиғиладиган бош конвейернинг катта залида турган эдилар. Уларнинг олдида янги трактор конвейердан тайёр, бўлиб тушди. Қанақа трактор денгга! Ёш ўзбек механизаторининг кўзлари ярқираб кетди.

— Қалай, маъқулми? — деб жилмайди завод директори Иван Сергеевич Исаев.

— Маъқул бўлганда қандай! Юргизиб кўрсам бўладими?

— Қани юргизиб кўрчи!

Йигитча кабинага сакраб чиқиб, тракторни юргизар экан, хурсанд бўлиб қичқирди.

— Буни юргизиш енгил машинани ҳайдашдан ҳам осон экан!

— Агар бу машина сизга ёққан бўлса, — деди директор, демак бу тракторлар Қува ерларини ҳам ҳайдайдиган бўлади. Даштга ҳужум қилишда бизнинг бу машиналаримиз сизларга ёрдам беради, деб умид қиламан. Техниканинг ёрдамисиз ҳужум қилиб бўлмайди-ку, ахир...

Колхоз бош инженери Ҳасанбой Абдуллаев, механизаторлардан Олимжон Эргашев ва Абдуқаҳҳор Сотиков бир ой заводда туриб тажриба орттиришди. Улар «Кировец-700» тракторини синчиклаб ўрганишди. Бу баҳодир машина Олимжон билан Абдуқаҳҳорга жуда ҳам ёқиб қолди. Улар машинанинг ҳамма икир-чикирларини билиб олишга жазм қилишди. Бу ишда уларга меҳрибон, сезгир устозлар: мастерлар Пусь ва Чернявский, старший технолог Козлов, етакчи конструктор Гаврилов, хуллас заводнинг ҳар бир ходими астойдил ёрдам берди.

Яқиндагина механизация билим юртини тамомлаган Олимжон Эргашев заводда тажриба орттирганидан кейин ўзини тракторчилик ишининг академиги, деб ҳис қиладиган бўлиб қолди. «К-700» тракторидан иккитасини завод «Социализм» колхозига юбораётганлигини эшитиб, яна беҳиҳоя хурсанд бўлди. Бу тракторларни бошқариш кимга топшириларкин? Олимжон билан Абдуқаҳҳорга топширилади-да.

Олимжон колхозга қайтиб келиб, заводда орттирган ўртоқларига юборган хатларидан бирида бундай деб ёзди: «Менга кўп нарсани ўргатганларингиз учун сизларга раҳмат. Юборган тракторларингиз учун раҳмат. Ҳозир биз бу ерда жуда катта ишлар бошламоқдамиз!...»

Ҳақиқатан, катта ишлар бошланган эди. Олимжон билан Абдуқаҳҳор баҳор кунларидан бирида эрта саҳарда ўзларининг янги тракторларини тақир адирга олиб чиққан пайтдан бошлаб мана шу катта ишлар бошланган эди. Бағрига, ҳатто кетмон ҳам тегмаган оғир, заранг ер қудратли машиналар зарбига бардош беролмади.

«Бир кунда биз ўттиз гектар ер ҳайдадик, — деб хабар қилди Олимжон. — Шу қадар катта майдонни очиш учун боболаримнинг озмунча вақти кетган бўлурмиди, деб ўйладим. Бунинг учун озмунча куч сарфлашга тўғри келган бўлурмиди!»...

Олимжон «К-700» тракторини ҳайдаб бормоқда, унинг кўнглида рус қардошлар тўғрисидаги қўшиқ ҳам ўз-ўзидан қуйилиб келарди.

...Олимжон кузакда Киров заводига яна бир хат юборди. Ўша хатда у биз Абдуқаҳҳор билан бирга ер ҳайдаб насос билан сув чиқарилган адирда мисли кўрилмаган катта ҳосил олдик, деб ёзди. «Янги ерда шу қадар яхши тарвузлар, қовунлар, бодринг, маккажўхори етилдики, умрим бино бўлиб бунақа ҳосилни кўрмаган эдим!»...

Лекин бу — ишнинг бошланиши, дастлабки ўттиз гектар ернинг берган ҳосили. Адирда очиладиган ер 300 гектар бўлади. «Албатта, шунча ер очамиз, — деб ёзди Олимжон. — Дунёда бизнинг қўлимиздан келмайдиган иш бўлмайди. Биз ололмайдиган ҳеч қандай чўққи, биз боғ-бўстон қилмайдиган ҳеч қандай чўл бўлмайди. Биргаликда иш бошласак, тоғни ҳам талқон қиламиз»...

Хатнинг охирига эса, қўл қўйиб бўлганидан кейин дилида туғилган қўшиқнинг сўзларини ҳам қўшиб қўйди. Бу — дўстлик қўшиғи эди.

В. КОЖЕМЯКОВ.
(«Правда»нинг махсус мухбири).

В. ТЮРИКОВ.
Ўзбекистон ССР Фарғона область «Социализм» колхози.

(«Правда» газетаси, 5 декабрь 1965 йил).

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

«ЭЛИТА» НАВ ПАХТА УСТАЛАРИ

НУКУС. Беруний районидаги Орджоникидзе номли уруғчилик хўжалигининг меҳнаткашлари гектаридан 39 центнердан пахта етиштирдилар. Колхоз давлатга 5 минг тоннадан кўпроқ элита нав пахта сотиб 3 миллион сўм даромад қилди. Бу эса, ўтган йилдагига нисбатан икки ярим баравар кўпдир. Пахтакорлар ернинг ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилганликлари туфайли ана шундай натижага эришилди. Колхозда далалар ғўзапоядан тўла-тўкис тозаланди, ажойиб соҳибкорлардан Ражаббой Султонов, Қуромбой Шеримбетов, Отабой Кенжаев бошлиқ илғор бригадалар ҳозирдаёқ талай майдонни шудгорлаб қўйдилар ва суғориш учун марза ола бошладилар.

НЕФТЬ КОНИ ТЕЛЕБОШҚАРУВГА КЎЧИРИЛАДИ

ТЕРМИЗ. «Лалмикор» нефть кони Сурхондарё областида биринчи бўлиб телеавтоматик бошқарувга кўчирилади. Ходим телеустановка ёрдамида бутун коннинг ер ости ва ер усти ускуналари ишини назорат қилиб туради.

Телеустановкани монтаж қилиш ишини «Фергананефтегаз» махсус конструкторлик бюроси олиб боради.

ЭРОН КИНОТЕАТРЛАРИ УЧУН АППАРАТЛАР

САМАРҚАНД. Самарқанд «Кинап» заводи Эрон кинотеатрлари учун энг яхши аппаратлар комплектларини тайёрлашга киришди. Ўзбекистон корхонаси қўшни мамлакатга саккиз кинотеатр учун кучайтирувчи ва тақсимловчи қурилмалар ва бошқа ускуналар етказиб беришга қарор қилди. (ЎзТАГ).



Тошкент химия-фармацевтика заводида янги цех қурилиб, агрегатлар монтаж қилиб бўлинди. Суратда: янги цех.

В. Кожевников фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

МАКТАБ ҲАЁТИ

БИЛИМ ЧАШМАСИ

Тўғри, киши аввалига, қачон 10-синфни тугатаман-у, олий маълумотли бўламан, деб бироз чўчийди. Бироқ, «Кўз қўрқоқ, қўл ботир» деганларидек, билим дарёсига дадил шўнғиган киши беш-ўн йилнинг қандай ўтиб кетганини сезмай қолади.

Кечагина билим олишни алифбедан бошлаган ўқувчилар Собир, Санобар, Анор, Ғиёс, Маҳфуза, Ўринпошша ва бошқалар ўзларига билим ва тарбия берган ўқитувчиларига ота-оналаридек ҳурмат билан қарашарди. Орадан йиллар ўтди. Билим кетига тушган бу сергайрат ўғил-қизлар ўрта маълумотли бўлишгач, институтни ҳам битиришди.

Мана, улар ўзлари билим олган синфхоналарда бугун ёш авлод билан машғулот олиб боришяпти. Собир Туронов химия фанидан, Санобар Усмондиёрова билан Маҳфуза Норматова тил-адабиётдан, Ғиёс Назиров билан Анор Султонова математикадан, Ўринпошша Бурхонова эса биологиядан дарс беришяпти. Бу ўқитувчилар шу мактабда синфдош, институтда курсдош бўлишганди. Мана ҳозир ҳам улар бир-бирига меҳрибон, аҳил, ҳамкор. Улар ҳаммаси синф раҳбари, куйди-пишди, ёшларга чуқур билим ва тарбия бериш учун жон куйдирадилар.

— Уларнинг ўз фанлари бўйича ташкил қилган кабинетларини кўриб ҳавасингиз келади, — деб фахрланади мактаб директори Умарали Усмондиёров. — Марҳамат, кабинетларни кириб кўринг, хоҳласангиз дарсга киринг.

Ҳақиқатан ҳам фан кабинетлари кўргазмали ўқув қуролларига бой. Кўпчилик кўргазмалар ўқувчилар кучи билан тайёрланган. Жумладан, Қрим яриморoли, Болгария, Қоракалпоғистон камчаткалари барельефлари, Фарғона ва Чирчиқ водийлари картаси, диаграммалар ва шу каби кўплаб хилма-хил кўргазмали қуроллар кўзга ташланади.

География ўқитувчиси Муҳаррам Раҳимова 17 йилдан буён дарс беради. Ўтган йили у «Халқ маорифи аълочиси» деган шарафли номини олишга муяссар бўлди. У кўргазмали қуроллар билан қаноатланиб қолмайди. Ўтилган дарс темаларини ҳаёт билан мустаҳкам боғлаб бориш мақсадида химия ва тарих ўқитувчилари билан ҳамкорликда экскурсиялар уюштиради. Ўтган ўқув йилида Тошкент, Олмалиқ, Бекобод, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳамда Қайроққум ГЭСига, Химия илмий-текшириш институтига қилинган экскурсиялар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Ўқитувчилар шаҳарларнинг ўтмиш ва ҳозирги ҳаёти ҳамда саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш процесслари билан танишдилар. Бундан ташқари, жойлардаги мактабларга кириб, география, химия, тарих кабинетларида бўлишди, ўқитувчилар билан тажриба алмашишди.

Мактабнинг бошқа фан кабинетлари ҳам мақтовга сазовор. Хусусан, химия, физика, математика кабинетлари турли кўргазмали қуроллар, таблица ва графиклар билан бойитилган, асбоб ва приборлар ҳам сероб. Ўқувчилар бу кабинетларда тажриба асосида машғулот ўтказадилар.

Химия кабинетида ота-оналар иштирокида тез-тез «Химия кечаси» бўлиб туради. Кечаларда «Дин ва фан» каби темаларда лекциялар ўқилади. Сўнг ўқувчиларнинг ўзлари ўқитувчи Собир Туронов раҳбарлигида химиявий процесслар билан «Мўъжизасиз мўъжизалар» кўрсатишиб, айрим ота-оналарнинг онгидан диний тушунчаларни чиқариб ташлашга ёрдам берадилар.

Физика ўқитувчиси Кенжа Жўраев, математика ўқитувчиси Анор Султонова, чет тили ўқитувчиси Инна Громова ва бошқалар ҳам дарсларни кабинетда тажриба асосида қизиқарли қилиб ўтказадилар.

Бўка районидаги Бобир номли 41-ўрта мактабда ёшларга билим бериш ана шундай намунали йўлга қўйилган. Дарслар ўтган ўқув йилдан бошлаб кабинет системасида ўтказилди.

Келажакда мактаб ўқувчиларидан ажойиб тажрибакор пахтакорлар ҳам етишиб чиқиши аниқ. Ўқитувчилар ишлаб чиқариш бригадаси «оқ олтин» етиштиришда анча тажриба орттирди. 10-синф ўқувчиси Хайри Асомова бошлиқ бригада аъзолари «Ленин йўли» колхозидан 45 гектар ер олиб, чигит экдилар, униб чиққан ғўзаларни меҳр билан парвариш қилдилар. Ниҳоят, пахта йиғим-теримини колхозчилар билан баравар бошлаб, давлатга 145 тонна «оқ олтин» топширдилар.

Умуман, мактаб ўқувчилари район колхозларида етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда колхозчиларга кўмаклашиб турдилар. Улар «Ленин йўли» колхозида 30 кун ичида 316 тонна пахта териб беришди.

Бу мактабни ҳақиқатан ҳам билим чашмаси десак бўлади. Кейинги ўн йил ичида билим чашмасини 527 ўқувчи битириб чиқди. Шулардан 198 йигит-қиз олий маълумот олди. Ҳа, мактаб коллективи билим берган талабалари билан фахрланишга ҳақлидир.

К. МУҲАМЕДОВ.

СОЦИАЛИСТИК ТОШКЕНТ

ТАҚРИЗ

Тошкент мамлакатимизнинг энг йирик иқтисодий, маданий ва сиёсий марказларидан биридир. Ўзбекистон пойтахти революция бахш этган янги ҳаёт ва бахтнинг символи сифатида империализм ҳамда мустамлакачиликка қарши янги ҳаёт учун курашаётган халқларга илҳомлантирувчи ўрнак кўрсатмоқда. Шу боисдан Тошкентнинг революцион кураш ва социалистик қурилишдаги тарихий тажрибаси, шаҳар меҳнаткашларининг капитализм босқичини четлаб, социалистик тузумга ўтиш жараёнидаги авангардлик ролини ўрганиш тарих фани олдида турган муҳим ва актуал вазифалардан биридир. Тарихчи олим Г. Рашидовнинг яқинда нашр этилган асари* бу борада қўйилган илк қадамдир.

Аввало шуни айтиш керакки, автор Тошкент шаҳри тарихини турли аспектда ўрганиб, шу вақтгача махсус тадқиқот қилинмаган ва бир неча муҳим комплекс масалаларни ўз ичига олган фундаментал асар яратган. Автор ўз олдига қўйган барча проблемаларни ҳал қилишда марксизм-ленинизмнинг шаҳарлар ва уларнинг иқтисодий тараққиётдаги роли ҳақидаги таълимотига асосланган ва ҳали ўрганилмаган кўпгина манбалардан фойдаланган. Бундан ташқари, китобда бир неча назарий масалалар, чунончи социалистик ва капиталистик жамиятда шаҳарнинг роли, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликнинг тугатилиши ва унда шаҳарнинг роли, капитализм формациясини четлаб социализмга ўтиши каби масалалар кўтарилган ва тўғри ҳал қилинган. Автор ушбу ўринда социализм қуриш ҳақидаги В. И. Ленин таълимотининг ҳаётдаги исботини яхши кўрсатиб берган. Шу билан бирга тарихни сохталаштирувчилар қаттиқ танқид остига олиниб, фош қилинган.

Тошкент тарихининг автор муфассал тасвирлаган энг муҳим масалаларидан бири — чоризмнинг собиқ чекка ўлкасида революция маркази бўлган ушбу шаҳарнинг Ўрта Осиёда Совет ҳокимияти таянчига ва кўп миллатли Турк республикасининг мудофаа марказига айланиши масаласидир. Китобда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида (1917—1920 йиллар) тошкентликларнинг граждан уруши ва хўжалик фронтларида ташаббускорлик роли, мустаҳкам иродаси, қаҳрамонлиги ҳартарафлама дуруст баён қилинган.

Ўрта Осиёда социалистик революциянинг бешиги бўлган Тошкент ўзига хос тарихий шароитлар туфайли Советлар қўлида Ватанимизнинг Шарқдаги энг муҳим сиёсий ва иқтисодий таянчи бўлиб қолди, деган жуда тўғри хулосага келади автор. Дарҳақиқат Тошкент ишчиларининг ички ва ташқи душманларга қарши мардонавор кураши большевиклар партияси ва ёш Совет ҳукумати томонидан юксак баҳоланди ва Россиядаги бешта шаҳар жанговар ишчи отрядлари қаторида (Петроград, Царицин, Грозний, Луганск, Оренбург) ўша вақтнинг энг юксак мукофоти Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Илмий асарда шу вақтгача тарихчиларимиз эътиборидан четда турган масала — яъни янги иқтисодий сиёсат (НЭП) Тошкентда қандай йўл билан ва қандай вазиятда амалга оширилганлиги ҳамда бу даврдаги синфий кураш тарихий адабиётда биринчи марта муфассал ёритилиб берилган. «Кимни ким енгади» принципида ўтган бу кураш Тошкентда алоҳида хусусиятга эга бўлиб, феодал-мустамлака қолдиқларининг мавжудлиги, мусулмон руҳонийларининг маҳаллий аҳоли ўртасидаги таъсири, хўжалик ва маданият соҳасида эски шаҳарнинг янгисидан қолоқлиги ва бошқа бир қанча бошқа факторлар билан чамбарчас боғлиқ эди.

Шуниси характерлики, асарда хўжалик ва идеология фронтларида олиб борилган синфий кураш Октябрь революцияси ва капиталистик элементларни тугатиш учун кураш билан параллел ҳолда, кўпгина қизиқарли фактлар асосида этапларга бўлиб тасвирлаб берилади. Янги иқтисодий сиёсат даврида Тошкент шаҳри ижтимоий тузилишидаги янгиликлар ва бу соҳадаги тубдан ўзгаришлар ҳам яхши кўрсатилган.

Совет ҳокимияти тарихида энг йирик проблемалардан бири бўлган социалистик индустрлаштириш Тошкент тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу соҳада Тошкент тарихидаги характерли моментлар — саноатни бошқа шаҳарларга нисбатан тез суръатда ривожланиши, айни вақтда саноатда кўплаб ишчи кадрларни тайёрлаш, айниқса маҳаллий ишчи кадрлар етиштириб чиқаришдаги зўр муваффақиятлар тўла-тўкис ёритиб берилган. Ўзбекистон пойтахти тарихида жуда тез — чорак асрда республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиёда йирик индустрия марказига айланди. Шаҳар ишчилари меҳнат фронтида, социалистик қурилишнинг барча участкаларида авангардлик ролини бажардилар. Китоб автори бу масалаларни ёритишда кўпгина янги фактларни жалб этиб, Тошкентнинг республикамиз саноати ривожланишидаги ролини, шаҳар индустриясининг Ўзбекистон миқёсидаги салмоғини яққол кўрсата олган. Бу асар қимматини анча оширган.

Китобнинг ишчи ва деҳқонлар иттифоқи масаласига бағишланган саҳифалари ҳам диққатга сазовордир. Тошкент меҳнаткашлари, уларнинг илғор қисми — ишчилар синфи фақат шаҳар атрофидаги қишлоқлардагина эмас, балки бутун республикада колхоз тузумининг ғалабаси учун курашда катта хизмат кўрсатди. Тошкент Ўрта Осиёда биринчи бўлиб қишлоққа оталик қилиш ҳаракатини бошлаб берди. Автор Тошкентнинг хўжалик, маданий, маҳаллий партия-совет ташкилотларини кадрлар билан мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларда қишлоққа кўрсатган ёрдамини салмоқли далиллар билан кўрсатиб берган. Бу ёрдам ишчи-деҳқон иттифоқини мустаҳкамлаш ва шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликни тугата бориш жараёнида пойтахт шаҳарнинг ролини оширган.

Тошкентнинг Ўзбекистонда маданий революция ғалабасига қўшган катта ҳиссаси шу вақтгача махсус ўрганилмаган эди. Монографияда бу проблема махсус бобда ёритилган. Тошкент Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг маданий ва илмий марказига айланди, у совет интеллигенциясининг кўплаб миллий кадрларини тайёрлаб берди, Ўрта Осиёдаги айрим халқлар социалистик миллий маданиятининг туғилиши ва ривожланишига асос солди. Авторнинг бу тўғридаги жуда кўп фактларга асосланган хулосалари оригинал ва тўғри хулосалардир.

Асарда юқорида кўрсатган проблемалардан ташқари, шу вақтгача махсус ўрганилмаган қатор масалалар, жумладан, Тошкентнинг чет элдан келган революционерлар фаолияти марказига айланиши, пойтахт меҳнаткашлари томонидан интернационал бурчнинг шараф билан бажарилиши, шаҳар хўжалигининг тараққиёти ва бошқа масалалар бирмунча чуқур ёритилган.

Асарнинг яхши хислатларидан бири яна шундаки, унда Тошкентнинг революциядан илгари янги ва эски шаҳар қисмларининг бир-биридан фарқи ҳамда ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши туфайли ана шу фарқ йўқолиб, ягона социалистик шаҳарга айланиш жараёни муфассал тасвирлаб берилган. Шунингдек, Тошкентнинг Ўзбекистонда капитализмни четлаб ўтилиб, социализмнинг ғалаба қозонишидаги роли чуқур анализ қилинган. Булар китобнинг илмий ва сиёсий қимматини янада оширади.

Китобда Коммунистик партиянинг илғор ва жанговар отрядларидан бири — Тошкент партия ташкилотининг социализм қуришдаги фаолияти, халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик ва тошкентликларнинг унга қўшган ҳиссаси, рус халқи ва бошқа халқларнинг Ўзбекистонга кўрсатган биродарлик ёрдами юксак савияда ва ўқувчига манзур бўларлик даражада аниқ ифода қилинган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, монографияда шаҳар тарихи халқ тарихи сифатида тасвирланиб, марксча-ленинча тарих фанидаги йирик проблемалардан бири — социалистик шаҳарлар проблемаси Тошкент мисолида очиб берилади.

Китобнинг кўпгина ижобий томонлари билан бирга унда бир қанча камчиликлар ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Жумладан, Тошкентнинг пайдо бўлиши ва уни Россияга қўшилгунча бўлган тарихи қисқа бўлса ҳам ёритилган эмас. Гарчи бу масала тарихий адабиётимизда ҳал қилинган бўлса ҳам, у ҳақда тўхталиб ўтиш бизнингча мақсадга мувофиқ бўлур эди. Китобнинг яна бир камчилиги шундаки, автор Тошкентни маданият ва илмий марказ қилиб кўрсатишга бағишланган бобда матбуот масалаларига жуда қисқа тўхталган.

Хотин-қизлар озодлиги масаласи асарда маҳаллий шароит фонида муваффақият билан ифода қилинса, ҳам у тарқоқ ҳолда берилган. Айни бир масала бир неча қисмлардан ўрин олган. Буларнинг ҳаммасини бир жойга тўплаб, алоҳида параграф қилиб берилганда хотин-қизлар, айниқса ўзбек хотин-қизларини озод қилиш ва уларни социалистик қурилишга актив жалб этиш учун партия олиб борган кураш янада яққол кўзга ташланар эди. Бу асарнинг структурасига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатарди.

Бироқ, бу камчиликлар китобнинг умумий қиммати ва илмий салмоғига зарар етказмайди. Асарда шу вақтгача ишланмаган бир қанча актуал проблемаларни ўз ичига олган Тошкент тарихи мукаммал равишда берилган.

Китоб аниқ ва оригинал, хулосаларга, назарий масалаларни дадил кўтариш ва тўғри ҳал қилиш мисолларига бойдир. Ушбу монография Шарқда социализм машъалларидан бўлган йирик шаҳар ҳақида биринчи капитал асар бўлиб, ўзбек совет тарихшунослигида қўйилган муҳим қадамдир.

Я. ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси корреспондент аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор.

Х. ЗИЯЕВ,
тарих фанлари доктори.

* Г. Рашидов. История социалистического Ташкента, т. 1 изд. «Наука» Узбекской ССР, Ташкент, 1965.

ЧОРВАДОРГА РАҲМАТ

Юқори Чирчиқ районининг чорвадорлари гўшт ва сут тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Давлатга 6240 ўрнига 6292,2 тонна сут, 1792 тонна гўшт етказиб бериб, марраға етдилар.

Кўпгина хўжаликлар сут ва гўшт сотиш планини ошириб адо этдилар. Ўтган ўн ой мобайнида йиллик сут тайёрлаш планини ошириб бажарган район чорвадорлари йил охиригача яна 500 тонна сут етказиш мажбуриятини олдилар.

Бу йил чорвачилик соҳасида катта бурилиш юз берди. КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларидан руҳланган меҳнаткашлар чорва маҳсулотларини кўпайтириш, молларнинг зотини яхшилаш учун астойдил кураш олиб бордилар.

«Правда» колхози аъзолари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бу йил 132 тонна кўп сут сотдилар. Бу колхоздаги 700 бош соғин сигирнинг ҳар биридан ўн ойда 2048 килограммдан сут соғиб олинди. «Ўзбекистон», «Ленинский путь», Свердлов номли колхоз аъзолари ҳам сут сотиш планини анча ошириб адо этдилар. «Ўзбекистон» колхозида ҳам ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш анча кўпайди. Бултур ўн ойда ҳар бир сигирдан 1289 килограммдан сут соғилган бўлса, бу йил 1783 килограммдан соғиб олинди. Ҳар бир сигир бошига соғиб олинган сут 494 килограммдан кўпайди.

Шу колхознинг сут соғувчиси Зуҳра Набиуллина ўз боқимидаги 18 сигирнинг ҳар биридан бир йилда 2100 литрдан сут соғиши керак бўлса, у ўн ойда 2220 килограммдан сут соғиб олди. Бекаш Бойқўзиева ҳам шундай натижага эришди.

Умуман район чорвадорлари ўтган ўн ой ичида бултургига нисбатан 550 тонна кўп сут сотдилар.

Чорвадорлар гўшт етиштиришда ҳам илгарилаб боришяпти.

— Молларни семиртириб гўштга топшириш мол туёғини кўпайтиришнинг катта бир манбаи деса бўлади,— дейди район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бошқармасининг бош зоотехниги ўртоқ Саттор Тайменов.

Бу гап бежиз эмас. Бу йил район колхоз ва совхозлари 1742 тонна чўчқа гўшти, 2653 бош қорамол, 10686 бош қўй топширдилар. Қорамолларнинг ҳар бири план бўйича 224 килограмм ўрнига 275 килограммдан, қўй 40 ўрнига 43 килограмм, чўчқа 80 ўрнига 97 килограмм вазнда семиртириб гўштга топширилди. Қорамолларни семиртириб гўштга топширилгани сабабли 600 бош қорамолнинг туёғи сақланиб қолди.

Колхоз ва совхоз чорвадорлари ўртасида иш март Пленуми қарорлари асосида олиб борилляпти. Моддий рағбатлантириш кенг йўлга қўйилган. Партия ва ҳукуматимизнинг чорвадорларга қилаётган катта ғамхўрликларидан руҳланган колхозчилар ва совхоз ишчилари партиямиз XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

Район хўжаликлари 1600 бош қорамолни гўштга топшириш учун бўрдоқи қилиб боқишга киришдилар. Ҳозир бу моллар ўрта ҳисобда бир суткада 800 граммдан семиряпти. «Политотдел», «Правда» колхозларида бўрдоқига боқилаётган моллар бир кеча-кундузда 1100—1200 граммдан семирмоқда.

1965 йилда гўшт, сут, жун тайёрлаш, қўзи ва бузоқ олиш планларини тўла ва ошириб бажарган Юқори Чирчиқ район чорвадорлари қишки мавсумни ҳам намунали ўтказиш учун астойдил курашмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.



Юқори чирчиқлик ғаллакорлар кузги дон экиш ишларини тобора авж олдирмоқдалар. Райондаги «Коммуна» колхозининг ғаллакорлари 3 минг гектар қир ерга буғдой ва арпа экиб, планни муддатидан анча илгари бажардилар. Улар элга келаси йили ҳар қачонгидан ҳам кўп ғалла етказиб бериш мақсадида пландан ташқари яна 1000 гектар майдонга дон экинлари экишга аҳд қилдилар. Ҳозир қир-адрларда экиш агрегатлари бетиним ишлаб турибди. Механизаторлар ўз зиммаларига олган мажбуриятни ҳам барвақт бажаришга эришиш учун об-ҳавонинг ҳозирги қулай шароитларидан унумли фойдаланишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Суратларда: (чапда) колхоз далаларида кузги дон экиш пайти, (ўнгда) экиш агрегатининг бункери уруғлик дон билан тўлдирилляпти. Олдинда — илғор сеялкачи Раҳим Ёқубхонов.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КУНИГА 350 ЛИТРДАН СУТ

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани кун сайин кучайтираётган Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг чорвадорлари фидокорона меҳнат қилаптилар. Бу ердаги ҳар бир сут соғувчи сигирлардан кўпроқ сут соғиб олишга ҳаракат қилаётир. Ҳар куни тайёрлов пунктларига 350 литрдан ортиқ сут жўнатиляпти.

Чиннихол Йўлдошевани колхозда моҳир сут соғувчи деб аташади. У етти йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келади. Шу сабабли ҳам соғин сигирлардан олинаётган сут булоғи йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ўртоқ Йўлдошева ўз боқимидаги сигирлардан 15 тонна сут соғиб олишга сўз берган эди. У сўзининг устидан чиқди, ҳозиргача 30 тоннадан ортиқ сут топширди.

Илғор сут соғувчининг тажрибаси Рита Буряни ҳам илҳомлантирди, у ҳам планини икки баравар қилиб бажарди. Уринбой Рўзибоев, Йўлдош Эргашевларнинг ишидан ҳам ҳамма хурсанд. Улар 150 бош бузоқни яхши боқиб семиртиришмоқда.

А. НОДИРОВ.

ТУТ КЎЧАТИ ЭКИНГ

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Ипак қуртларини намунали боқиш, пилладан баракали ҳосил олиш асосан озуқа базасининг мустаҳкам бўлишига боғлиқдир. Агар тут дарахтлари кузги-қишки ва эрта баҳорги муддатларда агротехника қоидалари асосида яхши парвариш қилинса, ипак қуртларини мўл-кўл озуқа билан таъминлаш мумкин.

Бу йилги баҳор илгариги йиллардагига нисбатан бирмунча кечроқ келди. Барг қирқиб олинганидан кейин ўсиб чиққан тут навдалари илгариги йиллардагига нисбатан калтароқ бўлиб қолди. Агар ҳозир тут дарахтларини парвариш қилишда кузги-қишки агротехника тадбирларига риоя қилинмаса, пиллачиликнинг озуқа базаси талабга жавоб бермай қолиши мумкин. Бу эса, баҳорги ипак қурти боқиш мавсумида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Тут дарахтларини минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг қандай фойда беришини текшириш юзасидан ўтказилган тадқиқотларнинг натижасига асосланиб қуйидагиларни тавсия этамиз: агар об-ҳаво имкон берса декабрь ойида тут плантацияларининг ҳар гектарига 200—250 килограммдан суперфосфат солиш керак. Алоҳида-алоҳида ўсадиган тут дарахтларининг атрофига эса 0,4—0,5 килограммдан суперфосфат солинади.

Эрта баҳорда, ҳатто февраль ойида тут плантацияларининг ҳар гектарига 150—200 килограммдан аммиак селитраси ёки сульфат аммоний, ҳар туп дарахтнинг тагига эса 0,5 килограммдан ўғит солиш лозим.

Минерал ўғитлар тут навдаларини тез ўстиради. Агар улардан фойдаланилмаса баҳорги ипак қурти боқиш мавсуми учун етарли озуқа базаси яратишга эришиб бўлмайди. Минерал ўғитларнинг аҳамияти фақат баргни кўпайтириш билангина чегараланмайди. Азот ва фосфор ўғитлари баргнинг тўйимлилигини оширадиган кучли воситадир. Бу эса ўз навбатида пилла ҳосилдорлигини 10—15 процентга оширади.

Ўғитларни қатор қилиб экилган тут дарахтларининг тагига, плантацияларда эса дарахт қатор ораларига чуқур шудгорлаш билан бир вақтда солиш керак. Тупроқ ишланса, унинг сув режими яхшиланади ва солинган минерал ўғитларнинг яхши сингиб кетишига эришилади.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Калинин районидаги Собир Раҳимов номли, «Партия XX съезди» Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли, «Правда», «Политотдел» колхозларида ва «Назарбек», «Тошкент» совхозларида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, барг массасини кўпайтиришда ва тут дарахтларини баҳорги совуқлардан сақлашда кузги-қишки мавсумда бериладиган яхоб катта аҳамиятга эга. Дарахт тагидаги тупроқ обдон намиққунича суғоришни тўхтатмаслик керак. Яхоб икки марта берилса яхши бўлади. Эрта баҳорда тупроқ етилганидан кейин намни сақлаб қолиш мақсадида плантацияни чизеллаш тавсия этилади.

Тошкент областининг колхоз ва совхозларида дарахтлар тор қаторлаб экилган эски плантациялар кўп. Қатор ораларининг торлиги плантацияларни механизмлар ёрдами билан ишлашга имкон бермайди. Шунинг учун ҳам бундай плантациялардаги дарахтлар кам ва сифатсиз барг беради. Бу барглардан қурт боқиш мавсумида деярли фойдаланилмайди.

Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти кам ҳосилли плантацияларни реконструкция қилиш юзасидан махсус ишлар қилди. Бу ишларнинг натижасида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўпгина районларида дарахтларни ёшартириш, тупроқни чуқур шудгорлаш, механизмлар ёрдами билан ишлов беришга имконият туғдириш учун дарахт қатор ораларини кенгайтириш, кам ҳосилли плантацияларга ўғитлар солиш йўли билан барг ҳосилдорлигини бир йилдаёқ ошириш, ҳар гектар майдондан камида 4—5 тоннадан барг олиш мумкинлиги аниқланди. Шундай плантацияларнинг лоақал бир-икки гектари тартибга келтирилса ҳам хўжалик ипак қуртларининг озуқасини сезиларли даражада кўпайтира олади.

Район пиллачилик бошқармаларининг агрономлари тез фурсат ичида эътибордан четда қолган плантацияларни ҳисоблаб чиқишлари ва тут дарахтларининг аҳволини яхшилаш юзасидан бажариладиган ишларнинг календарь планини тузишлари керак. Тор қаторлаб экилган плантациялардаги дарахтларнинг бир қисми кавлаб олиниб, қатор оралари кенгайтирилади. Агар дарахтлар ҳали ёш (5—8 ёш) бўлса плантация яқинига кўчириб ўтқазилади. Плантацияларни реконструкция қилиш юзасидан белгиланган ишлар бажарилганидан сўнг ер чуқур шудгорланади. Ер ҳайдаш билан бир вақтда минерал ўғитларнинг оширилган дозаси бўйича кўзда гектар бошига 300—400 килограммдан суперфосфат, эрта баҳорда эса камида 300 килограммдан азотли ўғитлар солинади. Ана шундай йўллар билан тут навдалари тез ўстирилади. Ундан кейин дарахтнинг тупроқ устидаги қисми кесиб ташланиб, ёшартирилади.

Юқорида айтиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда тез фурсат ичида ихтисослаштирилган тутчилик звенолари ташкил этиш, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш ва тутзорлар билан таъминлаш керак. Бу иш тут парваришини яхшилашда, плантациялар ва бошқа тутзорларнинг ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Пиллачиларимиз ҳозирги ғанимат дамларни зое ўтказиб юбормасдан тут дарахтларини кўнгилдагидай парвариш қилсалар, баҳорда ўзлари учун анча қулайликлар туғилади, пилладан мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин ҳозирланади.

А. ДИДИЧЕНКО,
Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти тутчилик бўлимининг мудири.

С. ЗИНКИНА,
старший илмий ходим.

ҚЎЙЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИ

Келес массивида ташкил қилинган Охунбобоев номли қўйчилик совхозининг 40 минг бош қўйи бор. Уч бўлим, 55 отарда боқилаётган бу қўйлар яхши семириб, этига-эт қўшилмоқда.

Чорвадорлар бу йил 18 минг қўзи олишни планлаштирган эдилар. Совлиқларнинг ўз вақтида кочирилганлиги, қўзиларнинг нес-нобуд бўлмаслигига эътибор берилганлиги натижасида 20 минг 500 қўзи олинди. Коллективимиз чорва маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Қисқа вақт ичида давлатга 450 тонна ўрнига 726 тонна гўшт топширишга муваффақ бўлдик. Гўшт тайёрлаш давом этмоқда.

Жун қирқиб олиш плани ҳам бажарилди. Маълумки, бу йил ёғингарчилик кам бўлди. 60 минг гектар майдонни эгаллаган яйловларимизда табиий пичан унчалик ўсмади. Шунинг учун ҳам чўпонларимиз пичан ва емни тежаб-тергаб сарфлашди.

Ишчиларимиз чорва моллари қишловига жиддий аҳамият бермоқдалар. Биз қўшимча равишда, ем, шелуха жамғариб қўйдик. Келгуси йилда емни ўз хўжалигимизда етиштириш мақсадида 4100 гектар ерга кузги ғалла экдик.

Совхозда қурилиш ишлари ҳам жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Ҳар бирига 1200 бош қўй сиғадиган ўнта типовой қўтон қурилиб фойдаланишга топширилди. Чорвадорлар учун ҳам турар-жой бинолари қурилмоқда.

Область партия, совет, хўжалик ташкилотлари янги совхозни мустаҳкамлаш учун яқиндан ёрдам беришмоқда. Транспорт, қишлоқ хўжалик машиналари олиб турибмиз.

Бизда молларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Бу ўринда айниқса Қоратой Аҳмедов, Мустафо Одамбеков, Абдумурод Жуманов, Тожибек Билолов ва бошқа чўпонларимизнинг хизматларини алоҳида кўрсатиб ўтишимиз керак. Улар совлиқларни яхши боқиб, ҳар юз совлиқдан пландаги 85 ўрнига 110-125 бошдан қўзи олмоқдалар.

Коллективимиз эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмайди. Уларнинг фикри-зикри чорва молларини туёғини кўпайтириш, маҳсулотини оширишга қаратилган. Биз партиямиз XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашиб, совхозимизни областнинг илғор чорвачилик хўжаликларидан бирига айлантириш учун курашамиз.

С. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
совхоз директори.

М. МУҲАМЕДОВ,
совхоз партия ташкилотининг секретари.

ЎРТА ЧИРЧИҚДА

АМАЛИЙ ЁРДАМ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги идора ва хўжаликлар шудгорлашни тезлаштиришда колхоз ва совхозларга яқиндан ёрдам беришди. Бектемир ва Тўйтепадаги йўл қурилиши идораларига қарашли тракторлар Карл Маркс номли, Энгельс номли колхозларда, ғишт заводи механизаторлари «Партия XXII съезди» колхозида намунали меҳнат қилишди.

Шудгор қилишда бульдозер, скрейпер, ер қазиш машиналаридан ҳам усталик билан фойдаланилди.

Пахта ерларида идора ва ташкилотларнинг 33 та трактори ишлаб турди. Уларнинг деярли ҳаммаси ер ҳайдаш смена нормасини ошириб бажарди. Яқиндан ёрдам бераётган механизаторлар учун жойларда барча шароитлар яратиб берилди. Шу сабабли ҳам район меҳнаткашлари шудгорлаш планини муддатидан олдин бажариб ваъдаларининг устидан чиқдилар.

ИНЖЕНЕРЛАР КУНИ

ОБЛАСТИМИЗ колхоз ва совхозлари инженерларининг навбатдаги учрашуви Ўрта Чирчиқ районида бўлди. «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ходимлари томонидан уюштирилган бу инженерлар кунига юзга яқин мутахассис келди. Мутахассислар тажрибаларни ўртоқлашдилар. Техникани сақлаш, аккумуляторларни зарядлаш, ремонт уста хоналари билан тракторчилар ўртасида радио алоқаси ўрнатиш масалалари ҳақида лекциялар тинглашди.

Инженерлар райондаги Терешкова номли колхознинг техника сақлайдиган саройида ҳам бўлишди. Чигит экиш сеялкаси, борона, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган тележка ва пахта териш машиналарини қиш кунларида қандай сақланаётганлиги билан атрофлича танишилди. Кейин инженерлар қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашни тасвирловчи кинофильмларни кўрдилар.

Область инженерларининг навбатдаги куни декабрь ойининг иккинчи ярмида бўлади.

М. ҒОЗИЕВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР
ОДАМЛАР
ВОҚЕАЛАР

ВЬЕТНАМ ТУПРОҒИДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН

ВЬЕТНАМДАН ЖЎНАБ ҚОЛИНГИЗ!

Америка империалистларининг эрксевар вьетнам халқига қарши олиб бораётган шармандали агрессияси тинчликсевар кучлар авангардида бораётган совет халқини ниҳоятда ғазаблантирмоқда. Жафокаш халқнинг адолатли курашини қўллаб-қувватлаш юзасидан Тошкентнинг Пластмасса буюмлари заводида, 153-трест бинокорлар коллективларида, «Ташкенткабель» заводида ва бошқа корхона ҳамда муассасаларда кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди.

Куни кеча экскаватор заводи корпусларидан бирида курашаётган вьетнам халқи билан бирдамлик хитоблари янгради. Митингда биринчи механика цехи ишчиси Н. Терновей-конинг нутқини ҳамма ҳаяжон билан тингланди. Ремонт механика цехининг ишчиси Н. Володин сўз олади:

— Америка урушқоқларининг тинчликка қарши бу жиноятлари жазосиз қолмайди, — дейди у. — Агрессорларни жиловлаб қўйиш учун халқлар етарли даражада кучга эгадирлар. Биз совет кишилари вьетнамлик қардошларимиз билан доимо бирдаммиз. Америка империалистлари, шармандали агрессияни тўхтатингиз, Вьетнам тупроғидан жўнаб қолингиз!

Митинг қатнашчилари Америка ҳарбийларининг жиноий ҳаракатларини қатъий қоралovчи, Вьетнам тупроғида тинчлик тиклашини талаб қилувчи резолюция қабул қилдилар.

ИМПЕРИАЛИСТЛАР АВАНТЮРАСИ БАРБОД БЎЛАДИ

АҚШ империалистларининг бутун дунёда тинчлик ишига таҳдид солаётган агрессив хатти-ҳаракатлари соф ниятли кишиларни ғоят ташвишлантирмоқда. Агрессия туфайли вьетнам халқи бошига тушаётган кулфатлар немис фашистларига қарши кураш машаққатларини тортган совет халқига айниқса тушунарлидир. Узбекистон гидрогеология трести ва комплекс — ревизион тематика партиясининг вьетнам халқи билан бирдамликка бағишлаб ўтказилган бирлашган митингида ана шу мазмун ифодаланди.

Йиғилганлар Улуғ Ватан уруши йилларида ёш бўлган Г. М. Будариннинг сўзини эътибор билан тингладилар. У Волга бўйи жангларини кўз олдига келтириб, ҳозирги вақтда вьетнам халқи бошига тушган оғир кулфатларни ўша машаққатли йиллар билан таққослади. У ўз сўзини «Йўқолсин фашизм қолдиқлари! Вьетнамдан қўлингни торт!» деган хитоблар билан тугатди.

Митингда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан Г. Савилькова, М. Павлов, К. Петушков ва ёш инженерлардан Т. Гребинщикова ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб АҚШ агрессорлари олиб бораётган ваҳшиёна урушни қоралаб, эрк душманларига лаънатлар айтдилар.

Митингда Вьетнамдаги америка агрессияси тўхтатилишини қатъий талаб қилган резолюция қабул қилинди.

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ГДР

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Нейман СССР билан ГДР ўртасида 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли савдо битимининг имзоланишига ҳар икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганлигини кўрсатувчи янги далил деб баҳо берди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Чехословакия геолог қидирувчилари бу йилги қидирув ишлари давлат планини бажардилар. Ер ости бойликлари проходкачиларининг экспедициялари республикадаги неча ўнлаб янги районларни текширдилар, фойдали қазилмаларнинг янги табиий хазиналарини топдилар. Геология разведка хизмати республиканинг ҳом ашё ва ёқилғи базасини кенгайтиришга катта эътибор берди.

Шимолий Чехияда қорамтир кўмирнинг йирик ҳавзаси борлиги аниқланди. Бу ҳавза яқин йиллардаёқ ҳар йили қарийб 50 миллион тонна ёқилғи беради деб мўлжалланмоқда. Ана шу ҳавза негизида Чехословакияда энг йирик энергетика базаси барпо этилади.

БОЛГАРИЯ

Болгарияда Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан 800 минг киловатт қувватли атом электростанцияси қурилади. Совет Иттифоқи Болгария Халқ Республикасига махсус тайёрланган машина-ускуналар, приборлар, буюмлар ва материалар етказиб беради, шунингдек электростанциядан фойдаланиш давом этган бутун давр ичида уни ядро ёнилғиси билан таъминлаб туради.

МЎҒУЛИСТОН

Халқ Монголиясида энг йирик коллектив бўлган Улан-Батор магистрали темирйўлчиларининг коллективи катта ишлаб чиқариш галабасига эришдилар: улар учинчи беш йиллик план топшириғини асосий кўрсаткичлари бўйича муддатидан икки ой олдин бажариб қўйдилар.

ҲИНДИСТОН-ПОКИСТОН МОЖАРОСИ

КАРАЧИ. (ТАСС). Покистон мудофаа министрлигининг ахборотида бундай дейилади: Ҳиндистон қўшинлари 30 ноябрда Комила (Шарқий Покистон) ва Бурки секторларида Покистон позицияларини ўққа тутдилар. Покистон томонидан жавоб ўти очилиши натижасида ҳинд солдатларидан 5 киши ўлдирилди. Ахборотда айтилишича, Ҳиндистон қўшинлари Мендҳар, Никиал (Кашмир), Беднан, Шакаргарх ва Азилка секторларида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни яна буздилар.

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон информация бюроси қуйидагиларни хабар қилди: Покистон қўшинлари 29 ноябрдан 30 ноябргача Лохур секторида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни 15 марта буздилар. Бхасин, Жалло, Барки, Дограи, Кхем Каран ва Ҳусайнивала секторларида Ҳиндистон позициялари ўққа тутилди. Покистон солдатлари Жахуан секторида Ҳиндистон территориясига бостириб кириш учун беҳуда уринибкўрдилар. Покистон қўшинлари Берипаттандан ғарби-жанубдаги Наушер секторида ҳинд қўшинлари позицияларининг ичкари томонига бостириб киришга уринган эдилар. Улардан икки солдат ўлдирилди.

АНГЛИЯГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

АДДИС-АБЕБА, 4 декабрь. (ТАСС). Африка Бирлиги Ташкилоти министрлар кенгашининг фавқулодда сессияси кеча агар Англия Жанубий Родезиядаги ирқчилар режимига шу йилнинг 15 декабргача чек қўймаса, шу ташкилотда аъзо бўлган Африкадаги 36 мамлакат Англия билан дипломатия муносабатларини узади, деб қарор қабул қилган эди. Бугун эрталаб бу ерда ана шу қарорни қўллаб-қувватлаш юзасидан намойиш ўтказилди.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

ЖАКАРТА. Шу вақтгача Шимолий Суматрада ўн ярим минг киши «30 сентябрь ҳаракати» муносабати билан қамоққа олинди. Уларнинг кўпчилиги экинзорларда ишловчи ишчилардан иборат. Шимолий Суматрада шунча киши қамоққа олинганлигини Шимолий Суматра ҳарбий округининг қўмондони бригада генерали Собиран эълон қилди.

Газеталарнинг хабарига қараганда, Пати шаҳри районида (Явонинг марказий қисми) Индонезия деҳқонлар иттифоқининг, «Пемуда Ракъят» (халқ ёшлари), «Гервани» (Индонезия хотин-қизлари ҳаракати) ташкилотининг ва бошқа ташкилотларнинг аъзоларидан 10.333 киши қамоққа олинган.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОНДА ЎНБЕШ КУН

Илгари келишиб олинганидек, биз енгил атлетиканинг 21 турида шахсий биринчиликни учун мусобақалашдик. Биринчи куниёқ Ҳиндистон терма командаси аъзоларининг юксак маҳоратининг гувоҳи бўлдик. Улар 100, 200, 400 ва 500 метр масофаларга югуришда айниқса, яхши натижалар кўрсатишди. Чунончи К. Поуэл 100 метрга югуришда 10,5 секунд ва 200 метрга югуришда 21,5 секунд натижага эришди. Б. С. Баруа 400 метрни 48,5 секундда босиб ўтди. Ю. Савельевнинг 100 метрга югуришдаги натижаси эса 11,0 секунд, В. Нечаевнинг 200 метрга югуришдаги натижаси 22,5 секунд ва В. Ситниковнинг 400 метрга югуриш натижаси 49,8 секундга тенг бўлди.

Ҳинд спортчилари яна бошқа юксак натижаларни қўлга киритдилар. Лекин бизнинг қизларимиз программанинг ҳамма номерларида устунлик қилишди. Шунингдек, Г. Кутянин баландликка сакрашда, Ю. Савельев узунликка сакрашда, И. Чувилин шест билан сакрашда, В. Ломакин диск ирғитишда, Г. Некрашевич найза отишда, Ш. Шарипов молот ирғитишда ғолиб келдилар. Мадорасдаги икки кунлик кескин кураш ўзбек атлетикачиларининг ғалабаси билан тугади. Улар программанинг 12 турида (6 эркак ва 6 аёл) биринчи ўринларни эгалладилар. Ҳиндистон эркаклар миллий терма командаси программанинг тўққиз турида ғалаба қозонган бўлса, аёллар командаси бирон турида ҳам муваффақиятга эришолмади. Мадорас стадионида ҳурмат пьедесталига кўтарилган ўзбек енгил атлетикачилари шарафига Ватанимизнинг тантанавор гимни 12 бор янгради. Бу мусобақаларда спортчиларимиз 6 та Умумҳиндистон рекордини янгиладилар. Булар икки метр баландликка сакраган Г. Кутянин, шест билан 4,8 метрдан сакраб ўтган И. Чувилин, молотни 59,23 метрга улоқтирган Ш. Шарипов, ядрони 12,55 метрга улоқтирган ва беш курашда 4.375 очко тўплаган Н. Мажидовалардир. 4×100 аёллар эстафетасида ҳам рекорд қўйилди (48,8 секунд).

Бу мусобақалардан совет спортчилари Ватанига 15 та олтин, 8 та кумуш ва 14 та бронза медаллари олиб қайтдилар.

Шундай қилиб, Мадорасда ғоят дўстона вазиятда ўтган икки кунлик мусобақамиз тугади. Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган тренер В. И. Баришев маҳаллий тренерлар билан махсус семинар ўтказди. У спорт тренировкасининг замонавий усуллари ҳақида ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

6 ноябрь эрталаб автобус бизни Ҳинд океани қирғоғига олиб келди. Биз Махабалипурамга келиб унинг тарихий ёдгорликлари билан танишдик ва океан сувида чўмилдик.

Мадорасдан сира эсдан чиқмайдиган ажиб таассуротлар олдик. Энди маҳсус вагонда мамлакатнинг шимолига — Бихилага томон йўл олдик.

Майсур, Ҳайдаробод, Матхия Прадеш, Аҳмадобод штатларининг хушманзара территорияси орқали 1500 километрдан ортиқ йўл босиб Бхилаи шаҳрига етиб келдик. Поёнсиз ҳосилдор ерлар. Миллонлаб ҳиндлар далада. Улар иккинчи ҳосилни йиғиб олмоқдалар. Экинзорлар тропик ўрмон, пальма ва бамбукзорлар билан алмашарди.

Эрта тонгда Бхилаи аҳолиси бизни ҳурсандлик билан кутиб олди. Марказий меҳмонхона биносида чўғдек ёришиб турган «Октябрнинг 48 йиллиги» сўзларини кўриб қалбларимиз бениҳоя қувонч ва гурур туйғулари билан тўлиб-тошди, 8 ноябрь куни биз учун иккиёқлама байрам бўлди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йиллигини нишонлаш билан бирга Ҳиндистондаги иккинчи мусобақаларимизни бошлаб юбордик.

Бу шаҳарга келишимизга бағишлаб ҳам махсус китобча — сувенир чиқаришибди. У Совет Иттифоқининг яқин дўсти ва ҳинд халқининг доҳиси Жавохарлал Нерунинг портрети билан очилади. Нерунинг «Мусобақалар ҳамиша спорт кураши руҳида бўлсин!» деган сўзлари келтирилган. Бу жумладан биз халқларни фақатгина спорт кураши руҳида мусобақалашишга бўлган чақириқни ўқиймиз. «Сувенир»да Бхилаи металлургия комбинатининг бош директори, Ҳиндистон республикаси парламентининг аъзоси доктор Индержит Сингхнинг ҳам табрик сўзлари ва яхши истаклари ёзилган. «Ўзбек ва ҳинд командалари ўртасидаги тарихий учрашувга ғувоҳ бўлиш бизнинг ҳаммамиз учун катта бахтдир» депти у.

Шаҳар кўчалари Бхилаининг ўн йиллиги ва бизнинг келишимизга бағишланган афишалар, витриналар, плакатлар билан безатилган эди. Миниглаб бхилаиликлар сизни ўраб олишар, дўстлик туйғуларини изҳор этишарди.

Мусобақалар худди Мадорасдаги тартиб бўйича бўлди. Завод директори жаноб Индержит Сингх мусобақа қатнашчиларини табриклади. Бхилаида ишлаётган совет мутахассислари номидан комбинатнинг бош инженери ўртоқ Б. Н. Жеребин сўзлади.

Бу ерда ҳам икки кун мобайнида Ҳиндистон терма командаси билан мусобақалашдик. Атлетикачиларимиз бу сафар мусобақа программасининг ўнта турида, ҳиндлар эса ўн бир турида ғолиб келишди. Ҳинд спортчилари аввалгидек 100, 200, 400, 800, 5000 метрга югуришда устунлик қилишди. Лекин енгил атлетиканинг техник жиҳатдан мураккаб турларида бизнинг спортчиларимизга етолмадилар. Айниқса, қизларимиз бу сафар ҳам юксак маҳоратларини намойиш қилишди. Лекин икки кунлик спорт курашининг умумий якунлари бизни хурсанд қилмасди.

Комбинат раҳбарлари ва ҳинд-совет дўстлиги жамиятининг шу ерлик арбоблари қабул маросимлари ўтказишди. Айниқса, комбинат бошқармаси ва «Дўстлик парки»да бўлган учрашувлар унутилмас таассуротлар қолдирди. Жаноб Индержит Сингх Совет Иттифоқида ва Ўзбекистонда бир неча бор бўлган экан. У, ўзбек халқининг қадимий маданияти ва тарихи ҳақида завқ билан гапирди.

Бу сафар поезд бизни Агра шаҳрига олиб кетди. Тарихий ёдгорликлари билан машҳур бўлган бу шаҳарга қилган экскурсиямиз Умумҳиндистон енгил атлетика ассоциацияси раҳбарларининг лутфан қилган таклифи билан амалга ошди. Жаҳон архитектурасининг дурдонаси Тожмаҳал мавзолейи бутун латофати, нафосати билан қойил қолдирди.

Шу куни кечқурун Деҳли орқали ўтиб яна шимолга — Жалландар шаҳрига келдик. Бу ерда учинчи марта икки кунлик мусобақа ўтказишимиз керак эди. Покистон чегарасидан 15 километр нарида бўлган бу шаҳар Ҳиндистон республикасида енгил атлетиканинг маркази ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Умумҳиндистон ассоциацияси раҳбарлари ўв миллий терма командаларининг бу ерда ўтадиган мусобақаларда катта муваффақият қозонишига умид боғлаган эдилар. Терма командаларнинг асосий составини шу шаҳарликлардан ташкил топган. Шунинг учун бўлса керак ассоциация Жалландардаги мусобақалар программасига енгил атлетиканинг 25 турини киритишга розилик берди. Биз ҳам қизғин спорт курашига шай эдик.

Шаҳар ҳақиқатан ҳам спорт маркази экан. Унда ўт устида хоккей ўйналадиган кўпгина майдонлар, волейбол ва баскетбол майдончалари, иккита стадион бор. Ҳамма спорт базаларида юзлаб кишилар шуғулланишарди.

Совет Иттифоқининг яқин дўсти, Ҳиндистон республикаси информация ва радио эшиттириш министри Индира Гандининг йўллаган қизғин табрик мактуби бизни хурсанд қилиб юборди. Мактубда жумладан бундай дейилган эди: «Панжоб ҳаваскорлар ассоциацияси 12-13 ноябрда Жалландарда учинчи марта ҳинд-совет атлетикачилари спорт учрашувини ташкил қилганлигини хурсандчилик билан эшитдим. Учрашув қатнашчиларига ўзимнинг энг яхши тилакларимни йўллайман».

Бу мусобақаларда ўзбекистонликлар программанинг ҳар бир турида ҳар қачонгидан ҳам зўр кўтаринкилик билан қатнашдилар. Атлетикачиларимизни ҳурмат пьедесталида 13 марта кўриш ва уларнинг ғалабаси шарафига янграган Совет Иттифоқи гимнларини эшитиш қувонч бағишлади бизга. Шундай қилиб Ҳиндистон енгил атлетикасининг марказидаги икки кунлик спорт кураши ҳам ўзбек атлетикачилари ғалабаси билан тугади.

Бу ерда Ҳиндистоннинг Англия мустамлакачиларига қарши миллий озодлик учун курашида актив қатнашган кекса революционерлар билан учрашдик. Бизни мамлакатнинг энг кекса революционерларидан бири — 78 ёшлик Гурмук Сингх бобо қувонч билан табриклади. У Махатма Ганди раҳбарлигида олиб борилган революцион кураш ҳақидаги ўз таассуротлари ҳақида гапириб берди. У ўз ҳикоясида улуғ Ленининг номини қайта-қайта эсга олди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Ҳиндистон революцияси тақдирида ўйнаган ролини таъкидлади. Биз кекса дўстларимизни делегациямизга нисбатан билдирган эътибори, Ватанимизнинг ҳинд халқи тараққиётига кўрсатган таъсирини юксак баҳолаганлиги учун чин юракдан миннатдорчилик изҳор қилдик.

Шу куни кечаси Жалландар дўстлар билан хайрлашиб Ҳиндистон пойтахти Деҳлига қайтиб келдик.

Ўзбек спортчилари Бхилаида ҳам ўртоқлик учрашувларини ўтказишди. Суратда: аёллар ўртасида 200 метрга югуришда ғолиб чиққанлар ҳурмат пьедесталида. 1-ўринда С. Арзуманова, 2-ўринда Сандеш Содхи ва 3-ўринда М. Қосимова.

15 ноябрда Деҳлида бизнинг сўнгги мусобақаларимиз бошланди. Бу мусобақа енгил атлетиканинг 20 тури бўйича бўлди. Ғоят дўстона вазият ҳукмронлик қилган бу мусобақалар дуранг натижа берди: биринчи куни бизнинг атлетикачиларимиз ўн турда олтита биринчи ўринни олган бўлсалар, эртасига ҳинд спортчилари бизнинг натижамизни такрорлашди. Умумий ҳисоб — 10:10.

Шундай қилиб, Ҳиндистон республикасидаги дўстлик учрашувларимиз тугади. Мана унинг умумий якуни:

Шаҳарлар	Мусобақа турлари	Олинган биринчи ўринлар сони	
		Ўзбекистон	Ҳиндистон
Мадорас	21	12	9
Бхилаи	21	10	11
Жалландар	25	13	12
Деҳли	20	10	10
Жами	87	45	42

Шуни мамнунлик билан қайд қилиш керакки, ўзбек атлетикачилари Ҳиндистон республикасининг 13 та рекордини янгиладилар.

Лекин қўлга киритган энг катта ғалабамиз бу эмас. Ҳиндистонда ўтказган учрашувларимизнинг энг муҳим натижаси икки халқ ўртасидаги дўстликнинг ғалабаси, бу дўстлар ипларининг янада мустаҳкамланганлиги бўлди. Ватанимизга қайтаётганда бизни кузатгани чиққан жуда кўп мезбонларнинг чеҳрасида ана шундай самимий ҳис-туйғуларни кўриш мумкин эди.

Р. ИСМОИЛОВ,
Тошкент-Деҳли-Тошкент.

(Давоми. Боши газетамизнинг 3 ва 4 декабрь сонларида).



Деҳли стадиони. 80 метрга тўсиқлардан ошиб югуришда Ўзбекистон спортчилари Н. Мажидова ва Р. Бабичлар маррага аввал келишди.

КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАНЛАР

Пойтахтдаги «Динамо» стадионида кураш бўйича Ўзбекистон шахсий биринчилиги мусобақалари тугади. Мастерларимизга муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганни кишини хурсанд этади. Бу мусобақаларда ҳам ёшлар ўзларини кўрсатишди. Энг енгил вазнда мусобақалашган Ўзбекистон Давлат физкультура институти студенти биринчи разрядли А. Абдураҳмонов барча олишувларни муваффақиятли ўтказиб, ғолиб чиқди ва биринчи марта Ўзбекистон чемпиони деган фахрли ном эгаси бўлди. Тошкентликлардан С. Насимов, М. Мамедов (ҳар иккиси «Меҳнат резервлари»дан), К. Келдибоев («Динамо», Тошкент)-лар ҳам учрашувларини юқори савияда ўтказишди.

Уч кун давом этган кескин курашлардан сўнг қуйидагилар республика чемпиони бўлди: Я. Сонин, В. Хадарцев, А. Истомин, Г. Калеткин, Е. Колтунов, Б. Вергун, (ҳаммаси «Динамо», Тошкентдан), В. Бондаренко («Меҳнат», Тошкент).

Мусобақа ғолиблари декабрь ойининг иккинчи ярмида Таллин шаҳрида ўтказиладиган СССР команда биринчилиги мусобақаларида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилишади.

Ш. ҚОСИМОВ.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

СССР ТЕРМА КОМАНДАСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Совет футболчилари Жанубий Африкада ўртоқлик учрашувларини давом эттирмоқдалар. Уч ўйинни дуранг қилган СССР терма командаси ниҳоят Уругвай футболчиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Хусаинов биринчи бўлиб ҳисобни очди. Сўнгра майдон эгалари штрафдан жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлдилар. Бироқ биринчи тайм охирларида Банишевский совет футболчиларини олдинга олиб чиқди. Сўнгра эса Осянин ғалабани мустаҳкамлади. СССР терма командаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Совет футболчилари сафарда сўнгги матчни Чилида «Коло Коло» командаси билан ўтказгач 12 декабрда Москвага қайтиб келадилар.

ЧЕМПИОННИНГ УЧ ТУПИ

Мамлакат чемпионлари — пойтахтнинг «Торпедо» командаси Японияда икки матчни дуранг қилгандан сўнг, ниҳоят ғалаба қозонди. Улар Япониядаги бу матчини майдон эгалари билан эмас, балки Швециянинг «Аик» командаси билан ўтказдилар ва 3:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни Шустиков ва Иванов (иккита) киритди.

* * *

Яна бир неча командаларимиз чет элларда учрашувларини давом эттиришяпти. Пойтахтнинг «Локомотив» футболчилари Ливияда иккинчи учрашувларини мамлакат шарқий районлари терма командаси билан ўтказдилар ва 3:1 ҳисобида ғолиб келдилар. Пойтахтнинг иккинчи командаси — армия спорт клуби ҳам сафарда ғалабага эришди. ЦСКА Дамашқда Сурия армия спорт клуби футболчиларини 2:1 ҳисобида енгди. Ленинграднинг «Зенит» командаси Нигериянинг Ибадан шаҳрида «Вестери роверс» клуби футболчиларини устидан 5:2 ҳисобида устун келди.

РСФСР терма командаси футболчилари эса Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳар командаси дарвозасига жавобсиз учта тўп киритдилар.

Совет спорти шарафини чет эл стадионларида ҳимоя қилаётган командалар ўртасида фақат Ростовнинг Армия спорт клуби футболчиларигина ютқазиб қўйдилар. Улар Багдодда маҳаллий армия спорт клубидан 2:4 ҳисобида енгилишди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ. 7 ДЕКАБРЬ 1965 ЙИЛ.

Реклама ва ғолонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 ДЕКАБРДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Инглиз тили** (мактабгача ёшдаги болалар учун), 18.35 — **Ленин ҳақида ҳикоялар** (болалар учун), 18.50 — **Ватанга совға** («Ўзбекфильм»нинг 40 йиллиги олдидан), 19.40 — **К. Шомансуров ижодий йўли**, 20.10 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 20.15 — **Телевизион янгиликлар**, 20.30 — **Шофёр рейсга чиқади** (автомобиль транспорти ходимлари учун), 21.30 — **Инсон ва дунёқараш**, 21.50 — **Қизил қалпоқлар** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — **Китоблар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.35 — **Тошкент янгиликлари**, 18.45 — **Катта химия учун** (илмий-оммабоп фильм), 18.55 — **Инсон учун** (телеочерк), 19.15 — **Марш! Марш! Тра-та-та.** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.35 — **Тўқимачилар вахтада**, 20.55 — **Тошкент янгиликлари**, 21.05 — **Шамол** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XII да **Князь Игорь**, 8/XII да **Жизель**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XII да **Юлдузлар жамоли**, 8/XII да **Сўнгги нусхалар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/XII да **Зуҳранинг мактублари**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Юность» цирк коллективи, қизиқчилар группаси, совет цирки усталарининг гастроли.**

КИНО

Садоқат — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12 ва 2 да).

Кочишга уринганда — НАВОИЙ номли, (кундуз ва кечқурун).

Бир занжирга боғланганлар — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Қулупнайзор — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Бу телба дунё — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6,15 ва 9.15 минутда).

Ганга ва Жамна (I ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 яримда ўзбек тилида).

Диссертация ёқлайдилар

1965 йил 16 декабрь кундуз соат 12 да, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг бирлашган илмий совети мажлисида (Киров кўчаси, 22-уй, 16-аудитория) қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

С. Қўчқоров: «Ўзбекистонда қовун уруғчилигини яхшилашнинг баъзи масалалари» деган темада.

К. К. Назаров: «Шафтолининг совуққа чидамлигини оширишдаги агротехник тадбирлар» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 22-уй).

1965 йил 17 декабрь кундуз соат 3 да, Тошкент халқ хўжалиги институти ҳузуридаги бирлашган илмий совет мажлисида (Одмазор кўчаси, 183-уй) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Э. Б. Черних: «Суғориш системаларининг асосий ишлаб чиқариш фондлари» деган темада.

А. В. Сучков: «Колоннаи даврда Тожикистоннинг иқтисодий ривожланиши (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошлари)» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

Тарас Шевченко кўчаси, 3-тупик, 4-уйда турувчи **Ида Исаковна Вулахнинг** Гулханий кўчаси, 5-уй, 40-квартирада турувчи Семён Антонович Кушнирдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Максим Горький кўчаси, Вагон тупик, 59-уйда турувчи **Нина Михайловна Шемелининанинг** Ангрен шаҳар, Самарқанд кўчаси, 17-уйда турувчи Владимир Иванович Шемелининдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Самарқанд дарвоза кўчаси, Ҳуррият проезд, 20-уйда турувчи **Собир Бўриевнинг** Ўзгариш кўчаси, 32-уйда турувчи Муҳаррам Шамсиевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Тошкент область, Калинин район, Карл Маркс қишлоқ советидаги Ҳамза кўчаси, 6-уйда турувчи **Аҳмад Раҳматовнинг** Тошкент шаҳар, Чигатой кўчаси, Ҳуррият проезд, 71-уйда турувчи Турсунбуви Раҳматовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»— Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, Навоий кўчаси, 28уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Масъул секретарь — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши — 25811, Саноат, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 11806. Индекс 64969. Нашр. № 1906. 6